

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIMI
VAZIRLIGI
ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA
INSTITUTI**

MILLIY G'OYA, HUQUQ VA MA'NAVIYAT ASOSLARI KAFEDRASI

“Himoya qilishga ruxsat beraman”

Tarix fakulteti dekani

A. Pardaev

“ _____ ” _____ 2019 - yil

**5111600- Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'lim yo'nalishi
Bakalavr darajasini olish uchun**

**Parlamentarizm g'oyasi va milliy parlamentarizm
mavzusida bajarilgan**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Bajaruvchi: A. Абдурахмонов

Ilmiy rahbar: B.M. Ochilova

Ishni himoyaga tavsiya etaman B.M. Ochilova

**BMI Milliy g'oya, huquq va ma'naviyat asoslari
kafedrasi yig'ilishining qarori bilan (Qaror № ____,
____. 2019-yil) himoyaga tavsiya etilgan**

Kafedra mudiri:

M. Xoshimxonov

Jizzax-2019

ВМИ А. Қодирӣ номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факултети
“Миллий г’оё, ма’навият асослари ва ҳуқуқ та’лими” кафедрасида bajarilgan.

Тақризчилар:

Жиззах ДПИ Ижтимоий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси Т.Аҳмедов

Жиззах ДПИ қошидаги Сайилжой
академик лицей ўқитувчиси М. Саидов

Ҳимоя 2019-йилнинг _____soat____da А.Қодирӣ номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факултетида давлат attestatsiya komissiyasining bakalavr darajasini olish uchun yig’ilishida o’tkaziladi. Manzil: тарих факултети 406-хона.

Ish bilan А.Қодирӣ номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг Аxborot Resurs Markazida tanishish mumkin (manzil: Жиззах shahri, Sharof Rashidov shoh ko’chasi, 54).

МУНДАРИЖА

Кириш..... 4-8

I-Боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

- 1.1 “Парламентаризм” тушунчаси, ижтимоий-фалсафий ва тарихий
ёndoшувлар..... 9-30
- 1.2 Парламент ислохотларида миллий анъана ва хорижий тажриба..... 30-42

II- Боб. МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОЙИЙ ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

- 2.1. Парламентаризм ривожда фуқаролик жамияти институтларининг
ўрни..... 43-56
- 2.2. Сиёсий патиялар ва сайловлар – парламент шаклланиш ва янгилаш
институтлари сифатида..... 56-69
- 2.3. “Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ўрганиш
усуллари 69-71

ХУЛОСА72-73

ГЛОССАРИЙ 74-76

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ77

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳонда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим шарт- бу давлат ҳокимиятининг учга бўлиниши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд, улардан бирининг кучайиб, таъйиқ ўтказувчи сиёсий кучга айланмаслиги учун ана шу уч ҳокимият ўртасида бир-бирини тийиб ва чеклаб туриш қонидасини ҳаётда амалга оширишдир. Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи амалий ҳаётда рўёбга чиққандагина фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун шарт-шароитлар яратилади. Парламент халқ манфаатлари асосида фаолият юритадиган давлат органи бўлгани учун фуқаролик жамияти қуриш шароитида унинг жамият бошқарувидаги ўрни ниҳоятда ошиб боради.

Маълумки, парламент жамият ҳаётининг энг муҳим асоси – қонунчиликни шакллантиради ва ривожлантиради, халқ вакиллари – депутатлар ва сенаторлар воситасида давлат ҳокимияти даражасида халқ идораси ва ҳоҳиш-истакларини қонунларда ва ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилиш қабиларда ифодалайди, бошқа ҳокимият тармоқлари билан мувозанатни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларга хос бўлган ва халқ манфатлари асосида фаолият юритадиган парламент Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланади. Бу парламентнинг ҳуқуқий асослари ўзида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини мужассамлаштиради. Айниқса, ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламент ва унинг палаталари ваколатлари демократик принциплар асосида мустақамлаб қўйилган.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида (2001 йилдан бошлаб) мамлакатда барқарорликни сақлаб қолиш, ислоҳотларни охирига етиш мақсадларида кучли ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришга муҳим аҳамият берилган бўлса, унинг иккинчи босқичида (2005 йилдан бошлаб) профессионал парламент – икки палатали парламентни шакллантириш ислоҳотлари ўлароқ мамлакатда ва

демократик принциплар асосида фаолият юритадиган қонун чиқарувчи замонавий ҳокимият шаклланади. Бу даврда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган давлат бошқарув тизими шаклланди. Парламентни кучайтириш мақсадида Президентнинг бир қанча ваколатлари парламентга берилди.

Парламентни шакллантиришнинг “ўзбек модели” мамлакатда фуқаролик жамиятини қуришнинг стратегик мақсад эканлигидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни чуқурлаштиришни тақозо этади. Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунга асосан парламент ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятини назорат қила олиш ваколатлари билан таъминланади.

2016 йилнинг сўнгги чорагига келиб Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларини демократлаштириш ва модернизациялашнинг янги даври бошланди. Мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиш керак” деган муҳим адолат принципини давлат бошқаруви тизимида жорий этиш ғоясини илгари сурди. Шу муносабати билан барча одамлардаги давлат органлари олдида доимий равишда халқ билан мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг барча муаммоларидан хабардор бўлиш, уларнинг ечимларини топиш вазифалари қўйилган. Хусусан, Президент ўз маърузасида шундай таъкидлади: “Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси жойларга чиққанларида маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини

ўйлантираётган муаммоларни, уларнинг мурожаатларини қандай хал қилинаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида асосий устувор вазифалардан бири сифатидаги давлат ва жамиятни такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш долзарб стратегик мақсад сифатида илгари сурилди².

Тадқиқот мавзусининг ўрганганлик даражаси. Парламентаризмнинг шаклланиши масаласи Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан халигача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ғарб мутафаккирлари Платон, Аристотель, Н. Микиавелли, Г. Гроцкий, К. Поппер, Ф. Хайек, Н. Бердияев каби олимларнинг асарларида фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг умумфалсафий назрий ғоялари илгари сурилган уларнинг институтчионал ва функционал хусусиятларини очиб берган.

Шарқ олимлари эса ахлоқ, маънавият, умуминсоний тенглик, инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳақозо каби миллий-маданий қадриятларнинг демократик жамият ҳаётидаги аҳамияти каби масалаларни тадқиқ этганлар. Уларга мисол тариқасида Конфуций, Мо Шао, Ли Гоу, Низомулмулк, Кайковус, Амир Темур, Жомий, Навоий, Бобур, Аҳмад Дониш каби асарларини келтириш мумкин.

Миллий парламентаризмни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари масалаларининг илмий-фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш, айниқса мустақиллик йилларида жонланди. Бу борада Э. Халилов, М. Шарифхўжаев, Р. Жумаев, Ҳ. Бобоев, А. Саидов, У.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 7 декабр 2016.-Т.: Ўзбекистон, 2016.-Б.21

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

Тожихонов, Х. Одилқориев, З. Исмоилов, Ф. Мусаев, С. Жўраев, М. Мирҳамидов, А. Жалолов, Л. Тангриев, М. Қирғизбоев, Л. Бойко, Н. Шодиев, С. Ҳасанов, О. Ҳусанов, А. Латифов каби олимлар асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг руйхати БМИга илова қилинган фойдаланган ишлар руйхатида берилган.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбек миллий парламентаризми шаклланиши ва ривожланишининг фалсафий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш ташкил этади

Тадқиқотнинг предмети. Мустақиллик даврида икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга оширишдаги ўрни, фуқаролик жамияти ривожланишига таъсири каби омилларнинг фалсафий-ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий ва назарий жиҳатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Парламентаризм тушунчаси, ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб бериш ва миллий парламентнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- парламентаризм тушунчаси, ижтимоий-фалсафий ва тарихий моҳиятини очиш;
- ўзбек миллий парламентаризми шаклланишининг ички қонуниятлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- мустақиллик йилларида ўзбек миллий икки палатали профессионал парламентнинг шаклланиши ва унинг ҳокимиятлар бўлиниш принципини ривожланишдаги ўрнини очиб бериш;
- Ўзбекистонда миллий парламентаризмнинг шакллантириш босқичларини ёритиб бериш;
- фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтишининг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий асосларини очиб бериш;

– ўзбек миллий парламентаризмининг миллий-ҳуқуқий ва замонавий демократик тамойилларида намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари – объективлик, тизимлилик, ворисийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик.

БМИ нинг тузулиши ва ҳажми. Кириш, икки боб, беш параграф, хулоса, адабиётлар руйхатидан иборат, умумий ҳажми 80 бет.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1.1 “Парламентаризм” тушунчаси, ижтимоий-фалсафий ва тарихий ёндашувлар

Парламентаризм ғояси ҳозирда асосан политалогия ва ҳуқуқшунослик фанлари доирасида кўп тадқиқ этилган. Табиийки, мазкур тушунчага нисбатан қўлланилган назрий-методологик ёндашувлар ҳам сиёсий ва ҳуқуқий таҳлилга таянган.

Парламентаризмга олимлар томонидан нисбатан турли тавсифлар ишлатилади: жамиятнинг бошқарув тизими; вакиллик демократиясининг шакли; алоҳида аҳоли гуруҳларининг манфаатларини амалга оширувчи демократик мезонизм. Ушбу нуқтаи назарлар, бир томондан, ҳокимиятни бўлиш механизмида парламент ҳолатини, бошқа томондан, парламентни функциялаштириш пренципи ва тузилишини акс эттиради.

Шундай мантиқдан келиб чиққан ҳолда **парламентга куйидагича таъриф бериш мумкин: парламентаризм ҳокимият ва жамият томонидан қабул қилинган, уларнинг ўзаро муносабатларини қонуний асослар билан ташкил этишага қаратилган демократик институт бўлиб, у аниқ структурага ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш салоҳиятига эга парламентнинг қонун чиқариш фаолиятида намоён бўлади.**

Ўз навбатида, парламент давлат бошқарув механизмида барқарор ўринга эга бўлган вакиллик демократиясини ташкил этиш ва юритишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Парламентаризмнинг **асосий хусусияти** – бу доимий фаолият кўрсатадиган, яъни аксарият иши ялпи мажлислар, кўмита ва комиссиялар йиғилишида кечадиган вакиллик муассасасининг мавжудлигидир. Унинг яна бир муҳим хусусияти фақат парламентга хос бўлган ваколатларга эга бўлишда кўринади. Бунга кўра, қонунларни қабул қилиш, давлат бюджети ва солиқларни

ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, ташқи сиёсат билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш, қатор давлат органларини ташкил этиш, мансабдор шахсларни юқори лавозимларга тасдиқлаш, парламент назорати функциясини бажариш кабилар парламентаризм фаолиятининг характерли жиҳатлари ҳисобланади.

Парламентаризм принциплари асосида фаолият кўрсатувчи давлат институтлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчиликнинг қарор топишига тааллуқли муаммолар силсиласида муҳим ўрин тутди. Чунки ХХІ асрнинг бошларига келиб оддий бир ҳақиқат — тўла ваколатга эга бўлган парламентсиз мамлакатда тўлақонли демократия бўлиши мумкин эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги тасаввурларини аввало давлатни идора этишда ўзлари иштирок этишларининг реал имконияти билан, қолаверса парламент орқали қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсата олиш имкониятлари билан боғлайдилар.

Парламентаризмнинг бугунги кундаги ўрнини ва аҳамиятини қуйидаги хусусиятларда ифодалаш мумкин:

Биринчидан, Парламентлар қонун қабул қилиш вазифасини бажаради. Бу билан инсон, жамият ва давлатнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда бирламчи қатламни яратишга имкон вужудга келади. Аксарият мамлакатларда қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланиб, фуқаролар, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари ва демократик институтларнинг қонунга риоя қилиши ўзига хос қатъий ижтимоий талабга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, давлатнинг барча институтлари орасида Парламент халқ вакиллигининг ягона органи сифатида намоён бўлди. Бу Парламентни фуқаролар назарида барча учун демократик институт тарзида, партиялар ва ижтимоий ташкилотларга эса мақсад тарзида кўрсатади.

Учинчидан, ҳокимиятнинг учга бўлинишида Парламент асосий институт сифатида намоён бўлиб, ҳар бир давлат органига ўз таъсирини ўтказиши

мумкин. Ижтимоий манфаатларнинг жамланиши ва уларни очик билдириш имконияти Парламентни давлат ҳокимияти ва бошқа идоралари, “марказ” ва “худудлар” ўртасидаги тафовутни йўқотиш йўлида ҳамкорлик майдонига айлантиради. Аксарият давлатлар Парламентларининг доимий вазифаси ўз ваколати доирасида манфаатлар мувозанатини таъминлашдир.

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида Парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, плюралистик давлатда манфаатларнинг кўпқирралигини акс эттириш, давлат қарорларини бажариш, умумий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиш, айтилган анъананинг ўсаётган таъсирини кўрсатади. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурияти тобора ортмоқда. Шунинг учун, Парламентни ахборот билан таъминлаш, депутатларнинг касбий малакасини ошириш, қонун яратиш жараёнини, Парламент назоратининг шакллари, ижтимоий фикрни жамлаш воситаларини такомиллаштириш каби вазифалар парламентаризм тажрибаси нисбатан бой бўлмаган ҳукуматларнинг кун тартибида турибди.

Парламентаризм босқичлари. Парламент ва парламентаризм тарихи бир неча асрларни ўз ичига олади. Агар биринчи Парламент XIII ёки XIV асрларда шаклланган деб ҳисобласак, Парламент ва Парламентаризм тарихини тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич *Парламентаризм институтининг ўрнатилиши.* Бунда Парламент давлат органи сифатида ўрнатила бошланган. Парламент ўз ўрни ва ролини қидириб, биринчилик учун курашган; уни шакллантириш усуллари ишлаб чиқила бошланган (XIV — XIX асрлар)³.

Иккинчи босқич – парламентаризмнинг олтин даври – Парламент ва парламентаризм гуллаб-яшнаган давр. У ўз ичига Парламентаризм тарихида

³ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство «Зерцало», 2000. -С.302.

ёркин из қолдирган XVIII асрнинг охири ва XX аср бошларини қамраб олади. Бу даврда Парламент сайлов цензи асосида шакллантирилган бўлиб, фақат бир синфнинг – туғилиб келаётган буржуазиянинг манфаатларини ифодалаган. Айнан шу даврда Парламент аёлни эркакка айлантиришдан ва эркакни аёлга айлантиришдан бошқа ҳар қандай ишни амалга ошира олади, деб айта бошлаганлар.

Бу ибора унинг ўша вақтдаги куч-қудратидан далолат беради. Бу даврда аёллар сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган ва Парламент сайлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар гуруҳининг 10 фоизи томонидангина сайланган.

Учинчи босқични шартли равишда *парламентаризмнинг инқироз даври* деб аташ мумкин. XX асрнинг бошларида тараққий этган давлатларнинг кўпчилигида ҳолат ўзгарди: бошқа ижтимоий қатламлар ҳам сиёсий ҳаётда қатнашишни талаб қила бошладилар, ушбу қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи партиялар ташкил топа бошлади. Цензли сайлаш ҳуқуқи анахронизм деб аталди. Парламент олдингидек қарорлар қабул қилишда тезкор бўлмай, у бир қатлам манфаатларини ифодалашдан тўхтади.

Парламент ўз ўрнини ижро ҳокимиятига бўшатиб бериши кераклиги талаб қилинди ва ҳақиқатда ҳам ижро ҳокимияти лидерлик позициясини эгаллади. Инглиз профессори Женингс Парламентнинг вазифаси мамлакатни бошқариш эмас, балки жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатиш ва ҳукумат хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, деб ҳисоблади. “Парламент инқирози” деярли узоқ вақт ҳукм сурди. Охирги йигирма йилликда эса Парламент ўзининг *парламентларнинг қайта туғилиши*, деб аталувчи янги босқичига кўтарилди. XX асрнинг 70-90-йилларида Парламент халқ йиғилишининг фаол ва вакиллик органига айланди.

Замонавий парламентаризмнинг муҳим жиҳатларидан бири қонунчилик органи таркибидаги палаталар миқдоридир. Айни пайтда қонунчилик ҳокимиятининг бир палатали ва икки палатали шакли нисбатан кенг тарқалган. У ёки бу шаклни танлаш кўп жиҳатдан мамлакатнинг тарихий анъаналари,

миллий хусусиятлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунёнинг етакчи ва ривожланган давлатларида асосан икки палатали Парламентлар фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатни ҳам федерал, ҳам унитар давлатлар мисолида кузатиш мумкин. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Чехия, Польша, Япония, Швеция, Руминия каби унитар давлатлар шулар жумласидандир.

Агар XX асрнинг 70-йилларида икки палатали Парламентлар 45 та давлатда амал қилган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб уларнинг сони 70 га етди. Бундан ташқари ўнлаб давлатларда икки палатали Парламент тузишга тайёргарлик кўрилмоқда.

2000 йилда аҳолисининг умумий сони 600 млн. кишини ташкил қилган 19 та Европа мамлакатларида икки палатали Парламент фаолият кўрсатди⁴. Бу эса жаҳонда асосан икки палатали Парламент тузиш анъанаси таркиб топаётганидан далолат беради.

2000 йилнинг 14-мартида Парижда бўлиб ўтган ҳуқуқий давлат қуриш ва демократияни мустаҳкамлашда икки палатали Парламентнинг ролини таҳлил қилишга бағишланган дунё сенаторларининг махсус форумида икки палатали Парламент ҳудудлар, майда ташкилотлар ҳамда давлатнинг алоҳида қисмларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиради, деган хулосага келинган.

“Парламент” сўзи универсал ва деярли дунёнинг ҳар бир мамлақатида тушунилади. Аммо турли давлатларда бу органнинг бошқача қабул қилинган номи мавжуд. Масалан, “конгресс” сўзини биринчи бўлиб америкаликлар қўллаган, кейинчалик бу тушунча Латин Америкаси ва баъзи бир Осиё давлатларида қабул қилинган. Масалан, Венесуэла ва Филиппинда Парламент конгресс деб аталади,

⁴ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000. –С.219.

Чилида эса Парламент миллий конгресс деб аталади. Мазкур тушунча, шунингдек Депутатлар палатаси (Люксембург), Миллий йиғилиш (Португалия, Иордания, Жанубий Корея, Панама, Покистон ва бошқалар), Федератив йиғилиш (федератив мамлакатларда), мажлис (кенгаш), Андорада — Бош мажлис, Сан-Маринода — Катта бош мажлис, Монакода — миллий мажлис, Швецияда — риксдаг, Исландияда — альтинг, Данияда — фолькетинг, Норвегияда — стортинг сифатида ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Парламент тарихи асрлар билан ўлчанади. Замонлар ўзгариши билан парламентларнинг роли ҳам изчил ўзгариб, унинг моҳияти янги ғоялар, тамойиллар билан, шаклланиш ва фаолият кўрсатиш тажрибаси билан бойиб бормоқда. Парламентаризм ғояси биринчи минг йиллик бўсағасида Римда, Англия ва Испанияда халқ мажлислари шаклида юзага келган бўлиб, шундан сўнг давлат анжумани даражасига кўтарилгунга қадар яна бир неча тараққиёт босқичларидан ўтди.

Шу залда парламент давлат институти сифатида узоқ тарихни босиб ўтди. Парламентаризм тараққиётининг бош тенденцияси шундан иборатки, парламентлар ижтимоий турмушда марказий ўрин тутди. Табиийки, ҳар бир давлат парламентнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиш масалаларини ўзича ҳал этади. Лекин бу кенг амалиётида ҳисобга олинадиган муштарак белгилар бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди, албатта. Шу муносабат билан парламент институтлари қарор топиши ва ривожланиш тажрибаси ўрганилишини таъминлаш, тарихдаги уларнинг аҳамиятини, ўрнини англаш, улар табиатининг ҳозирги пайтдаги тадрижий тараққиёти ва моҳиятини тушуниб етиш, келгусида уни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиш жуда муҳимдир.

Парламент ҳақидаги замонавий тасаввурлар халқнинг минг йиллик бошқарув усули асосида шаклланган. Кейинчалик олимлар мазкур бошқарув усулини “демократия”, деб аташган. Демократиянинг идеал шаклида барча фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, долзарб масалаларни

муҳокама этиш учун бир жойда тўпланадилар. Натижада овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади. Албатта, бундай бошқарув усули кичик аҳоли пунктлари учун самаралидир, аммо бутун давлат миқёсидачи? Бир жойга бараваракайига 10 миллион ёки ундан ортиқ одамларни йиғиб бўлармиди? Шундай бўлган тақдирда ҳам бундай йиғилиш неча кун давом этади? Чунки, қоидага кўра, ҳар бир фуқарога ўз фикрини айтиш учун сўз бериш керак. Шу сабабли кўп сонли фуқаролар номидан гапира оладиган битта вакилни сайлаш тақозоси пайдо бўлди. Албатта бу “соф демократия” эмас эди. Чунки сайланган фуқаронинг ўз дунёқараши, воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикри бўлади. Айнан соф демократия инъикосини биз замонавий Швейцария бошқарувида кўришимиз мумкин. У ерда бир йилга “амтман”, яъни депутатлар сайланиб, улар профессионал даражада қонун лойиҳасини ишлаб чиқишади, овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар эса уни ё тасдиқлашади ёки йўқ. Бундай бошқарув кўриниши плебисцитар демократия деб аталади⁵.

“Плебисцитар” сўзи латин тилидаги “plebiscitum” сўзидан олинган бўлиб, умумхалқ муҳокамаси доирасида қарор қабул қилишни англатади.

Бунда қонун матнини ўзгартириш мумкин бўлмайди. Фақатгина “ҳа” ёки “йўқ” деган овоз берилади, холос. Аҳоли сонининг ўсиши, ижтимоий-сиёсий бошқарувнинг мураккаблашуви натижасида репрезентатив демократия, бундан ташқари айнан “демократия” сўзини “вакиллик” сўзи билан алмаштириш эҳтиёжи ҳам юзага келди. Ҳозирда мазкур функцияни Парламент тизими амалга оширмакда.

“Парламент” тушунчаси инглизча “Parliament”дан келиб чиқса-да, аслида у французча феъл – “parler” – “гапирмоқ”дан ҳосил бўлган. Айтиш жоизки, француз революциясигача у ерда чекка ўлкалар даражасидаги судларгина Парламент деб юритилган ва шунинг оқибатида у инглизчада эквивалент сифатида қабул қилинган⁶.

⁵ Щербин А. Зарождение и развитие парламентаризма. https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma

⁶ Белоусов М. Конституционное право зарубежных стран. <http://www.razlib.ru/>

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, биринчи минг йиллик чегарасидаёқ халқ йиғинлари шаклланганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, Юнонистон шаҳарлари ва Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда — йиғинлар, қадимий Новгородда — вечелар фаолият кўрсатган. Нисбатан ёши катта бўлган Парламентлар қаторига Испаниянинг кортесини ҳам қўшиш мумкин. Энг қадимги Парламент туғилган мамлакат билан Исландия бу борада рақобатлашади. Тарихчилар Исландия пойтахти Рейкьявик яқинида жойлашган бир нечта катта тошлар ўрнида “очиқ осмон остидаги дастлабки Парламент бўлган”лигини исботлашга ҳаракат қилишмоқда. У ҳозир ҳам олдинги номи билан “Альтинг” деб аталади. Исландияликлар бу ерда қадимги викинглар давлат фаолиятини муҳокама этиб, муаммоларини ҳал қилишган, деб ҳисоблайдилар.

Фуқаролар ёки “танланганлар” (оқсоқоллар, вакиллар, князлар, аслзодалар) бу мажлисларда у ёки бу ҳудуддаги долзарб муаммоларни муҳокама қилишган. Ҳудудларнинг чекланганлиги эса, бундай мажлисларни деярли мунтазам ўтказишга етарли имкон берган. Аста-секин муҳокама қилинаётган муаммолар янада аниқлаштирилиб шахсий, баҳсли ва судга оид ишлар билан бир қаторда, умумаҳамиятли ишлар, яъни уруш ва тинчлик муаммолари, қўшнилар билан ўзаро муносабат масалалари муҳокама қилинган. Бундай муҳокамаларни Парламентнинг тарихий тимсоли ёки унинг шаклланишидаги **дастлабки босқич** сифатида қараб чиқиш мумкин⁷.

Парламент ривожланишининг **иккинчи босқичи**, унинг давлат форуми сифатида майдонга келиш даврига тааллуқлидир. Парламентнинг ватани Англия ҳисобланади. XII-XIII асрлардаги Англия Парламенти биринчи бўлиб бундай ролни қўлга киритиб, ҳатто мумтоз намуна сифатида тан олинган. Қирол ҳокимияти йирик феодаллар (лордлар), олий руҳонийлар ва шаҳарлар ҳамда графликлар вакилларининг йиғилишини чеклаган эди. Кейинчалик, XVI—XVII асрларда Парламент подшо ҳузуридаги кенгаш вазифасини

⁷Щербин А. Зарождение и развитие парламентаризма. https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma

бажарувчи табақавий-ваколатли идорага айланган. Қатламларга кўра ташкил этилган бундай муассасалар кейинчалик Польша, Венгрия, Франция, Испания ва бошқа мамлакатларда пайдо бўлди. Оқибатда улар ҳозирги типдаги ҳукумат муассасаси кўринишигача ривожланди ва шу орқали танилди.

Парламент тараққиётининг **учинчи босқичи** XVII аср охиридан бошлаб XIX аср охирларигача бўлган даврни қамраб олади. Бу даврда Парламентаризм ғоялари тўлиқ шаклланиб бўлди. Европа файласуфлари Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Вольтернинг асарларида, шунингдек, 1787 йилги Америка Конституцияси “оталари”нинг сиёсий трактатларида халқ суверенитети, ҳукмдор ва оддий одамлар орасидаги ижтимоий шартнома ғояси ишлаб чиқилган эди.

Парламентларнинг давлатлар механизми ва функцияларида тутган ўрнига келсак, ҳокимиятни бўлиш назариётчилари Ж.Локк ва Ш.Монтескье уларнинг роли кўпроқ қонунчилик функциясини амалга оширишда, дея чеклашган. XVIII-XIX асрларда юзага келган миллий (халқ) вакиллиги концепцияси қуйидаги принциплар мажмуи сифатида баён қилиниши мумкин:

- 1) миллий (халқ) вакиллиги Конституция билан таъсис қилинади;
- 2) миллат (халқ) суверенитет тарғиботчиси сифатида Парламентни ўз номидан қонунчилик ҳокимиятига вакил қилади (кўпинча адабиётларда суверенитетни амалга оширишга вакил қилинган деб ноаниқ изоҳланади);
- 3) шу мақсадда миллат (халқ) Парламентга ўз вакиллари (депутатлар, сенаторлар ва ҳоказо) сайлайди.
- 4) Парламент аъзоси – уни сайлаганларнинггина эмас, балки бутун миллатнинг вакилидир, чунки улар сайловчиларга боғлиқ эмас, сайловчилар уларни чақириб олиши мумкин эмас.

Конституциявий ҳуқуқ бўйича файласуф Леон Дюгининг таъкидлашича: “Парламент миллатнинг вакиллик мандатидир”⁸, яъни вакилликнинг баён

⁸ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство “Зерцало”, 2000. – 322 с.

этилган конструкцияга нисбатан муносабати миллатлар ўртасида ва умуман Парламентлар ўртасида мавжуд.

Бироқ бу муносабатлар, “мандат” ва “вакиллик” сўзининг маъносидан келиб чиқилса, улар мўлжалланганидан бошқачароқ бўлиб чиқади. Л.Дюгидан ярим асрдан сўнг француз сиёсатчиси Марсель Прело бу ҳақда шундай ёзган эди: “Сайловчининг ўз иродасини ифодалаши у ёки бу шахсни сайлаш билан чекланади ва сайланган шахснинг ҳолатига ҳеч бир таъсир кўрсата олмайди. У фақат Конституция ва қонунлар билан аниқланади. Шу билан бирга “мандат” атамасини 1789 йил доктринада эълон қилинган мазмунда тушуниш лозим. “Вакиллик” сўзи унга лингвистик нуқтаи назардан мантиқ бериш мумкинлигига қарама-қарши маънода тушунилади. Бевосита ва эркин ҳолда миллат истагини яратувчи сайланган шахс, тўлиқ мустақилликка эга бўлади”.

Бошқача айтганда, Парламент миллат (халқ) нимани хоҳлаётганини аниқ билади ва унинг қонунлардаги ҳамда бошқа актлардаги эркини ифодалайди. Бунда у ҳеч кимнинг назоратида бўлмайди. Парламент эрки миллат эркидир. Вакиллик бошқаруви ғояси мана шундан иборат. Уни XVIII аср француз революцияси арбоби Э.Ж.Сьейесдан тортиб М.Прелогача бўлган француз назарийётчилари нодемократик, деб ҳисоблашган. Чунки у фуқароларга ўз эркини Парламентга боғлашни рад этади.

Француз мутафакири Ж.Ж.Руссо юқори ҳокимият бирлиги ғоясини асослаб берди ва шундан қонунчилик ҳокимиятининг ижро ҳокимиятини назорат қилиш ҳуқуқи келиб чиқди

Ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги маълум доктринада қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида Парламентга муҳим аҳамият берилди.

Ривожланаётган мамлакатларда, айниқса Африка ва Осиёдаги бир қатор давлатларда, Парламентлар расмиятчилик учун ривожланган Ғарб мамлакатлари модели бўйича қурилса-да, амалда одатда ҳокимиятсиз бўлиб, ҳақиқий ҳокимиятнинг Парламентдан ташқари марказлари қарорларини рўйхатга олади, холос.

Парламент — халқ номидан устувор бошқарув қарорларини қабул қилишга қонуний ваколатли орган бўлиб, у мазкур давлат барча фуқароларининг манфаати ва эркини ифодаловчидир. Унинг миллий ёки халқ вакиллиги сифатида аҳамияти шундан келиб чиқади.

Парламентнинг ривожланишидаги **тўртинчи босқич** XIX асрни ўз ичига олади. Бу даврда Парламент давлат органи сифатида батамом шаклланиб бўлди. Сайлов қонунлари Парламент аъзоларини мунтазам сайлаш асосини яратади. Парламент амалда ягона қонунчилик манбаига айланиб, қонунни қабул қилиш ҳуқуқи фақат унга берилди. Ўша вақтда Парламент институтлари қонун яратиш жараёни, депутатлар мақоми, ижро органлари, партиялар, матбуот билан муносабатлар шакллана бошланади.

Парламент ривожланишининг **бешинчи босқичи** XX асрга тўғри келди ва Парламент аҳамиятининг ўсиши билан характерланади. Агар асрнинг биринчи ярмида Парламентлар давлат тизимида ўзини исботлаши керак бўлган бўлса, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Парламентнинг устуворлик ғояси оммавий тарзда тан олинди. Жаҳон ҳамжамияти ушбу ғоянинг кафолатига айланди. Парламентлар жамоатчилик фикрини фаол акс эттириш ва унга таъсир қилиш орқали ижтимоий ҳаётда тўлиқ маънода марказий ўринни эгаллади. Уларнинг етуқлиги демократик фуқаролик жамиятининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Парламент институтлари катта тажриба орттирдилар ва уларнинг давлат ҳокимиятидаги бошқа тармоқлар билан нисбати давлатчиликнинг ҳаракатланувчи омили даражасига кўтарилди.

Биринчи босқич. Милоддан аввалги даврлардаёқ, Қадимги Рим ва Юнонистоннинг айрим ривожланган шаҳарларида фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатган. Кейинчалик бу одат Англия ва Испаниянинг ижтимоий ҳаётига кириб борган. Фуқароларнинг ушбу йиғинларида маҳаллий аҳолининг ҳаётини яхшилашга, солиқ ва йиғимларни давлатга ўз вақтида тўлашга дойир бир қатор масалалар муҳокама қилиниб, хал этилган. Йиғинларда асосан зодагонлар, асилзодалар ва ҳокимият вакиллари

иштирок этганлар. Муҳокама этиладиган масалаларга аста-секин қўни-қўшничилик муаммолари, тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик асосида ҳаёт кечириш, судлов каби муаммолар қўшилиб борган.

Иккинчи босқич. XII аср охиридан XIII аср бошларигача Англия парламенти давлат форуми даражасида фаолият кўрсата бошлаган. Бироз вақт ўтиб, яъни XVI—XVII асрларда парламент давлат раҳбари ҳузуридаги мажлис вазифасини бажарувчи табақавий вакиллик органига айланган.

Учинчи босқич. XVII аср охирларида парламентаризм анъаналари деярли тўлиқ шаклланиб бўлган. Инглиз олими Жон Локк, француз донишмандлари Жан Жак Руссо ва Шарль Луи Монтескьё парламентаризмга оид энг мақул ғояларнинг классик асосчилари ҳисобланадилар. 1787 йилда қабул қилиниб, шундан бери ўзининг амалий нуфузини йўқотмаган, энг барқарор конституция сифатида тан олинган АҚШ Конституциясининг асосчиларидан бири Т. Жеферсон суверенитет, ҳокимият ва инсонлар ўртасидаги ижтимоий шартнома назариясини ишлаб чиққан эди. Ж.Локк, Ш.Монтескьёнинг “давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши назариясида қонун ижодкори ҳисобланмиш парламентга алоҳида урғу берилган. 1960 йилда Ж.Локкнинг “Бошқарув ҳақида икки рисола” китоби муаллифи кўрсатилмаган ҳолда чоп этилган. Ж.Локкнинг асосий ғояларидан бири шундан иборат эдики, одам – табиатан шахсий ҳис-туйғуларга берилувчи, авваламбор, роҳат-фароғатга интилувчи оғриқлардан қочиш истагига эга мавжудот.

Инсон табиатининг заифлиги ҳокимиятга интилишида намоён бўлади. Инглиз файласуфининг фикрича, қонун яратиш ҳокимиятига эга шахслар ушбу қонунларни бажариш ҳуқуқини ўз қўлларида жамлаб, ўзгалар яратган қонунларга бўйсунмасликни ҳохлаб қолишлари ҳам мумкин.

Давлатда ҳокимиятларнинг нисбатини тушуниш учун Локкнинг қонун чиқарувчи ҳокимият устунлигига дойр қуйидаги фикри эътиборга молик: “Қонун чиқарувчи ҳокимият жамият ушбу ҳокимиятни бир марта ишониб

топширган шахслар қўлида муқддас ва ўзгармас бўлиб қолади”.

Ж. Локк қарашларининг ўзига хослиги шундаки, у ижтимоий онгда парламентнинг устунлиги доктринаси ҳукмрон бўлган шароитда ҳокимиятлар чегарасини белгилаб қўйди. Локкнинг фикрича, қонун чиқарувчи орган ҳеч кимга ўз қонун чиқарувчилик ваколатини бериши мумкин эмас.

Туртинчи босқич. Парламентаризм тараққиётидаги мазкур босқичда, яъни XIX асрда парламент давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида тулиқ шаклланди. Шундан эътиборан сайлов қонунчилиги асосида парламент аъзоларини муайян ваколат муддатига сайлаш анъанаси кенг тус олди. Қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи ягона ташкилотга айланган парламент ҳокимиятлар тақсимланиши тизимидаги бошқа органлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, матбуот идоралари билан биргаликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилди.

Бешинчи босқич. XX асрнинг бошларига тўғри келган ушбу босқичда парламентнинг аҳамияти халқаро миқёсда миллий давлатлар тизимида тан олина бошланди. Улар маҳаллий омманинг фикрини тўлиқ ифодалаш орқали халқ орасида катта обрў қозниб, энг ишончли, халқчил докимият тармоғи сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Парламент демократик ҳуқуқий давлатнинг ҳамда фуқаролик жамиятининг тимсолига айланди. Вақт ўтгани сайин парламент институтлари катта амалий тажриба орттира бориб, давлатни тараққиёт сари элтувчи муҳим омил бўлиб қолди.

XX асрнинг иккинчи яримида Осиёнинг арим мамлакатларида буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Венгрия каби Европа давлатларида мустаҳкамланиб улгурган вакиллик демократияси институтлари тажрибасини ўзлаштириш майли кучайди. Бироқ кам сонли давлатлардагина у узлуксиз эди. Ваҳоланки, вакиллик демократияси, парламентаризм сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида жамиятда умумий сайловлар, кўппартиявийлик тизими,

ҳокимиятнинг конституцион бўлиниши каби сиёсий институтлар фаолиятини англатади.

Шарқда парламентаризм шаклланиши ва ривожланиши Ливан, Туркия, Ҳиндистон, Таиланд, Малазия, Сингапур, Япония каби мамлакатларда юз берди.

Инсоният ривожланиб борган сари “...ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни ақс эттирувчи марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурати тобора ортиб бормокда”.

Парламент ваколатларининг ҳажмига қараб унинг қуйидаги уч хил турини белгилаш мумкин:

1. Чекланмаган ваколатли Парламент;
2. Мутлақ чекланган ваколатли Парламент;
3. Нисбатан чекланган ваколатли Парламент.

Парламентар бошқарув шаклига эга бўлган аксарият давлатларда Парламент ваколатлари чекланмаган ҳисобланади. Бунга Буюк Британия Парламенти классик мисол бўлиши мумкин. Инглиз ҳуқуқшунос олимларининг таъкидлашича, Парламентнинг устуворлиги қуйидагиларни назарда тутди:

1. Қонун қабул қилиш соҳасидаги устунлик. Қонун фақат Парламент томонидан қабул қилиниши мумкин, ўз навбатида қонун норматив ҳуқуқий актлар иерархиясида биринчи ўринни эгаллайди;
2. Давлат бюджетини тасдиқлаш ва солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи;
3. Ҳукуматнинг Парламент олдидаги жавобгарлиги;
4. Судьяларни ўз лавозимига тасдиқлаш ҳуқуқи;
5. Парламент ваколатларига ўхшаш ваколатларни амалга оширувчи рақобатчи ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги⁹.

⁹ Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. -М., ИЛ, 1950, с. 70.

Хуқуқшунос П. Бромхед мутлақ ваколатли Парламент ғоясини ёқлаб чиқади. Унинг таъкидлашича, бунда қонун мазмунига доир ҳеч қандай чекловлар, уни қабул қилишга ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас¹⁰.

Парламентни давлат ҳокимиятнинг олий вакиллик ва яқка қонунчилик органи сифатида белгилаган Япония Конституциясида Парламент ваколатлари аниқ санаб кўрсатилмайди. Бу эса, ўз навбатида, Япония Парламенти чекланмаган ваколатли Парламент органи эканлигини тасдиқлайди.

Парламентнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатларининг муайян доирага киритилиши, уни мутлақ чекланган ваколатли Парламент сифатида эътироф этиш имконини беради. Франция Конституциясининг 34, 35, 49-моддалари Парламент қонунчилик йўли билан ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар рўйхатини белгилаб беради. Қолган масалалар билан асосан ҳукумат шуғулланади. Франция Парламенти ўз ваколоти доирасидан четга чиқиб қонун қабул қиладиган бўлса, бу ҳужжат Конституциявий Кенгашнинг ҳулосасига асосан ҳукумат декрети билан бекор қилиниши мумкин.

Ривожланаётган давлатлар Парламентлари ваколатларини ҳам кўп ҳолларда мутлақ чекланган ваколатлар сифатида қайд этиш мумкин. Сенегал, Габон каби илгари Франция мустамлакаси бўлган давлатларда Парламент, айнан, француз модели асосида жорий қилинган.

Нисбатан чекланган ваколатли Парламентлар кўпроқ учраб туради. Бу каби Парламентлар асосан федератив ёки марказлашмаган унитар тузилиш шаклига эга бўлган мамлакатларга хос. Сабаби, бундай давлатларда марказий ҳокимият органларининг ваколатлари федерация субъектлари ҳуқуқлари билан чекланади, шунга асосан Парламент фақат маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқи билан чекланган доирадагина ўз фаолиятини юритиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгресси фақат Конституцияда аниқ кўрсатиб қўйилган ваколатларнигина амалга ошириши мумкин.

¹⁰ Бромхед П. Эволюция Британской конституции. М., ЮЛ, 1978, с. 199 .

Испания Конституциясида ҳам шунга ўхшаш тартиб ўрнатилган бўлиб, унга биноан, Конституцияда бевосита давлат ваколати доирасига киритилмаган масалалар, Автоном уюшмалар ихтиёрига уларнинг Низомларига асосан берилади.

Умуман олганда, Парламент қандай турдаги ваколатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан унинг тузилиш ва бошқарув шаклига, сиёсий тартибига боғлиқ. Бундан ташқари Парламент ваколатларига бевосита давлатнинг демократиявийлик даражаси, у юритаётган сиёсат ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, Президентлик республикаларида Парламент ҳукуматни шакллантиришда деярли иштирок этмайди, ижроия ҳокимияти устидан назорати ҳам у қадар кенг эмас. Парламентар Республикаларда эса Парламент ижроия ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этади, ҳукумат раҳбарини сайлайди, фаолияти устидан кучли назорат олиб боради. Тоталитар сиёсий тизим шароитида Конституция ва жорий қонунларда Парламентга кенг ваколатлар берилиши мумкин, бироқ амалда улар қийинчилик билан ҳаётга тадбиқ қилинади.

Парламентнинг энг муҳим ваколатлари сифатида қонун қабул қилиш, молиявий функцияларни амалга ошириш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, давлат органларини шакллантиришда иштирок этиш кабиларни эътироф этиш мумкин.

Молиявий ваколатлар қаторига давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий қилиш киради. Давлат бюджети, одатда, қонун ҳужжати кўринишида қабул қилинади. Франция, Германия, Россия каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда давлат бюджети дастур сифатида ишлаб чиқилади ва бир қанча қонунлардан таркиб топади.

Парламентнинг солиқларни жорий қилиш ваколати ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Айнан шу ваколат орқали давлатнинг бутун иқтисодий ҳаётига таъсир кўрсатиш мумкин. Кўп ҳолларда бу ваколат бевосита

Конституцияда кўрсатиб ўтилади Масалан, Болгария Конституциясининг 60-моддасига биноан, солиқ ва йиғимлар, бу соҳадаги имтиёз ва мажбуриятлар қонун билан белгиланади, уларни жорий қилиш Халқ мажлиси мутлақ ваколатига киради.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ҳам Парламентнинг ниҳоятда муҳим ваколатларидан бири ҳисобланади. Ратификация – у ёки бу шартномага қўшилишда давлатнинг сўнги розилигидир. Муайян вақт давомида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати анъанавий тарзда давлат бошлиғига берилган. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро шартномалар давлат ички ҳуқуқ тизимига тобора чуқурроқ кириб борди, халқаро шарномани имзолаган давлатга ўз ички қонунчилигини унда кўрсатилган қоида ва тамойилларга мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди. Ҳозирда халқаро шартномалар Германия ва Австрия Федерал Конституцияларига мувофиқ федерал ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Франция Конституциясига кўра эса, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар давлат чиқарган қонунлардан устун ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ички қонунчилик тизимига бу қадар кучли таъсири, Парламентнинг халқаро шартномаларга қўшилиш борасидаги ваколатни амалга оширишда иштироки заруратини келтириб чиқарди. Акс холда, давлат раҳбари бу борадаги мутлақ ваколатидан фойдаланган ҳолда, ҳатто, Парламент қабул қилган қонунларни халқаро шартномага қўшилиш орқали ўзгартириши ёки умуман бекор қилиши мумкин бўлиб қолар эди.

Парламентнинг давлат механизмида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, Ж. Локк ва Ш. Монтескье каби давлат ҳокимиятининг бўлиниши ғояси тарафдорлари унинг ваколатларини асосан қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан чеклашга интилишган. Ж. Ж. Руссо эса давлат ҳокимиятининг яхлитлиги ҳақида сўз юритади ва қонунчилик органининг ижроия ҳокимиятни назорат қилиш ғоясини илгари суради.

Замонавий Парламент – қонун қабул қилиш функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Бу функция ўз навбатида бир қатор молиявий ваколатларни, жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ваколатини ҳам қамраб олади. Давлат бошқарув тизимига қараб, Парламент ҳукуматни у ёки бу даражада назорат қилиш ваколатига ҳам эга ҳисобланади. Масалан, Испания Конституциясига мувофиқ, Генерал Кортеслар (Испания Парламенти) қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, давлат бюджетини қабул қилади ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда Парламентнинг ўзи ҳукумат сиёсати таъсири остида қолиб кетиши ва нисбатан мустақиллигини йўқотиши мумкин. Бу жараённи собиқ Совет давлатлари Парламентлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Қолаверса, айрим ривожланаётган Африка ва Осиё мамлакатлари олий вакиллик органлари гарчанд ривожланган мамлакатлар модели асосида шакллантирилган бўлсада, амалда реал ҳокимиятдан маҳрум ҳолда фаолият юритадилар.

Парламентнинг вакиллик хусусияти шундаки, у бутун миллат, фуқаролар номидан иш юритади. Шу сабабли кўп ҳолларда Парламентни номлашда “миллий”, “халқ” атамаларидан кенг фойдаланилади.

VII – XIX асрларда вужудга келган миллий вакиллик концепцияси қуйидаги тамойилларнинг мажмуи сифатида эътироф этилиши мумкин¹¹:

1. Миллий вакиллик конституция воситасида жорий қилинади;
2. Суверенитетнинг мутлақ эгаси сифатида миллат Парламентга ўз номидан иш юритиш ваколатини беради;
3. Парламент аъзоси уни сайлаган фуқароларнинг эмас, балки бутун миллатнинг вакили ҳисобланади, шу сабабли ўз сайловчиларига қарам бўлмайди.

¹¹ История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство «Зерцало», 2000. –С.123.

Л. Дюги ва М. Прело каби олимларнинг таъкидлашича, Парламент бутун миллат ўз номидан иш юритиш ваколатини берган орган, у халқ иродасини мустақил тарзда англаб етади ва конституция доирасида фаолият юритади, яъни Парламент ҳеч кимга, шу жумладан, фуқароларга ҳам бўйсунмаган тарзда миллат манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб боради, унинг миллийлик хусусияти ҳам айнан шунда.

Баъзи олимлар Парламентнинг вакиллик хусусиятига бу каби ёндашувни қоралаб чиққанлар, уларнинг фикрича бу ҳолат Парламентнинг демократик табиатини бутунлай йўққа чиқаради ва Парламентни фуқаролар таъсири доирасига тушириш имкониятидан маҳрум қилади.

Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, амалда Парламентни тўлалигича фуқаролар таъсири доирасига тушириш жуда мушкул. Бу ҳолат, айниқса, икки палатали тизимга эга давлатлар мисолида яққолроқ кўринади. Жумладан, Франция Конституциясига асосан, Парламентнинг юқори палатаси – Сенат маъмурий-худудий бирликлар вакиллигини таъминлайди. Сенаторларнинг маъмурий-худудий бирликлар – департаментлар аҳолиси томонидан сайланишини ҳисобга олиб, бу вакилларни Парламентда тегишли департамент аҳолисининг бевосита манфаатини таъминлайди, деб ҳисоблаш мумкин эди. Аммо айнан департамент фуқаролари, сенаторга бевосита таъсир ўтказиш, уни назорат қилиш бўйича конституциявий имкониятдан маҳрум ҳисобланади. Бу ҳолат Парламент аъзосини сайловчиларнинг доимий таъсир доирасида ушлаб туриш имкониятини йўққа чиқаради.

Бунинг акси сифатида Германия Парламентининг юқори палатаси – Бундесратни келтириш мумкин. Бундесрат аъзолари Германия ерлари ҳукуматининг расмий вакиллари ҳисобланадилар ва ўз ҳукуматларига бўйсунмишга мажбур ҳисобланадилар¹².

¹² Государственное право Германии. М., ИГП РАН, 1994, -С.51.

Парламентнинг юридик нуқтаи назардан аҳоли таъсири доирасидан четда бўлиши, унинг демократиклик хусусиятини амалий жиҳатдан истисно қилмайди. Сабаби, Парламентни шакллантиришда партиялар муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида партия рўйхати асосида депутатлик ўринларига эга бўлган Парламент аъзолари аксарият ҳолларда партия кўрсатмаларидан четга чиқмайди, ўз навбатида партиялар келажакда Парламентдаги ўз ўринларини сақлаб қолиш мақсадида, сайловчиларнинг фикри, иродаси ва манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат миллат иродаси ва депутат фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатларнинг Парламентлари ўз ваколатларини амалга оширишда бир қанча назорат функцияларини бажарадилар. Жумладан, Парламентлар маълум даражада суд тизимини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Масалан, яна ўша АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент Сенат билан бамаънафат ва унинг розилиги билан Олий суд судьяларини тайинлайди. Франция Парламенти Президентнинг давлатга хиёлат билан боғлиқ ишларни кўриб чиқувчи Одил судловнинг Юқори судини ва мансабдорлик жиноятлари бўйича ҳукм чиқарувчи Республика Одил судлов судини сайлайди. Германия Федерал Конституциясига мувофиқ, Парламент Конституциявий суд судьяларини ва Судьяларни сайлаш бўйича кўмита аъзоларини сайлайди.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати ҳам айнан Парламентга берилади. Бу борада Япония Парламенти фаолияти анча яхши йўлга қўйилган. Япония Парламенти ўз ваколати нуқтаи назаридан ҳукуматга юқори даражада таъсир этиш имкониятига эга ҳисобланади, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Парламент ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб боради.

Парламент назоратининг одатий шакли ҳар сессиянинг бошида Бош Вазирнинг ҳукумат сиёсати борасидаги ҳисоботиغا асосан ҳукумат сиёсатини умумий тарзда муҳокама қилиш ҳисобланади. Бироқ Япония парламентаризми тажрибасида анча кенг қўлланиладиган назорат шакли интерпелляция

ҳисобланади. Назоратнинг бу кўринишини қўллаш ҳуқуқига Вакиллар палатасининг аъзолари эга. Интерпелляция ёзма тарзда палата раисига тақдим этилади, раис сўровни рад этиш ҳуқуқига эга, у бу ҳуқуқдан фойдаланган тақдирда сўров муаллифи палата пленумига мурожаат қилиши мумкин. Маҳкама етти кунлик муддат ичида депутат сўровига ёзма ёки оғзаки тарзда жавоб бериши лозим.

Парламентнинг муҳим назорат шаклларида бири бу Парламент тергови ҳисобланади. Япония Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, ҳар бир палата давлат бошқарувига доир терговларни юритиши, тергов давомида гувоҳларни жалб қилиши мумкин. Бундан ташқари у ёки бу юридик жараён қонун талабларига асосан амалга оширилганини текшириш мақсадида тегишли баённомаларни талаб қилиш ҳар бир палата ваколати доирасига киритилган.

Японияда Парламент тергови анча кенг қўлланиладиган жараён эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, кўп ҳолларда Парламент тергови натижаси ўлароқ ҳукуматнинг йирик мансабдор шахслари жавобгарликка тортилган.

Маҳкамага ишончсизлик билдириш резолюциясига ҳам Парламент назоратининг натижаси сифатида қараш мумкин. Ишончсизлик резолюцияси, одатда, парламентарийлар ташаббусига кўра киритилади ёки ишончсизлик Бош Вазир томонидан тақдим этилган ҳукуматга ишонч билдириш резолюциясини рад этиш асосида амалга оширилади. Вакиллар палатаси томонидан ишончсизлик билдириш тўғрисидаги резолюция қабул қилинган ёки ҳукуматнинг ишонч билдириш тўғрисидаги резолюцияси рад этилган тақдирда, Маҳкама тўлиқ таркибда истеъфога чиқиши лозим. Бу тартиб ўн кунлик муддат ичида вакиллар палатаси тарқатиб юборилмаган тақдирдагина қўлланилади.

Судлов ваколатларининг Парламент томонидан амалга оширилиши ноодатий ҳол, сабаби Парламентнинг бу ваколати ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига бир қадар раҳна солиши мумкин. Бироқ жаҳон мамлакатларининг баъзи Парламентлари бевосита судлов функцияларини амалга ошириш имкониятига эга эканлигини кўриш мумкин.

Баъзи Парламентларга амнистия эълон қилиш ваколати берилади. Амнистия эълон қилиш гарчанд судлов ваколати бўлмасада, у ёки бу даражада суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган. Парламентга муайян давлатнинг бошқарув шакли, ҳудудий тузилиши нуқтаи назаридан бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

1.2 Парламент ислоҳатларида миллий анъана ва хорижий тажриба

Парламентаризм ижтимоий-сиёсий ходиса сифатида демократик тузумга хосдир. Парламентаризмнинг халқ суверенитети ташкилий шаклий шаклининг ташқи ифодаси сифатида ҳам белгилаш мумкин. Парламентаризмда давлат органлари ва ижтимоий ташкилотлар ҳуқуқи мустақамланиб, улар боғлиқ тизимни ташкил қилади.

XIX асрнинг иккинчи ва XX асрнинг бошларида парламентаризм эркинликни таъминлашга қаратилган энг самарали ижтимоий-сиёсий механизм сифатида талқин этила бошланди.

XX аср бошларида Буюк Британияда парламент тизими аниқ институтционаллашган сабабли кўплаб ҳуқуқшуностлар Европа парламентаризмининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини Вестминстер моделига асосланиб тузишган. Шунингдек, Буюк Британияга хос бўлган парламентаризм элементлари нафақат конституцион монархия шаклидаги, балки парламент ва президентлик бошқарувига асосланган давлатларда ҳам қабул қилинди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги илмий адабиётларда парламент устунлиги назарияси кенг щрин эгаллади. Аммо кейинчалик бу ўз мавқеини йўқота бошлади. Бироқ ташкилий куч сифатида парламент ролини кучсизланишига қарамай, қонунчиликда ва бошқарувда у ижтимоий фикрни жонли кучга айлантриб, давлатни бошқарадиган мураккаб тизимга йўналиш берувчи, бирлаштирувчи кучли механизми сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Парламентаризмнинг кейинги ривожланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Биринчи ва иккинчи жаҳон уришлари натижасида ижтимоий сиёсий институлар инқирози, анархия-синдикализм, коммунизм ва

фашизм пайдо бўлиши даврида парламентаризмнинг либерал интеграцияси ҳар томонлама танқидга учради.

Парламентнинг либерал-демократик парадигмаси халқни давлат ҳокимиятининг илк манбаи деб тан олиниши ва унинг манфаатлари учун парламент суверенитети ғоясида воз кечишни тақозо этади.

Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий органининг қарор топиши ўзига хос жиҳатларига эга. Бу аввало тарихий ўтмишга боғлиқ. Миллий ўзлик давлат қурилишининг турли шакл ва усулларини назарда тутди. Шундай қурилишнинг танлаб олинган муайян усули эса миллий-тарихий ўзига хослик билан умумжаҳон тамойилларининг синтезидир. Зеро, ҳар қандай ижтимоий воқеликни англаш учун биринчи навбатда у муайян тарихий босқичнинг конкрет шароитларида қай тарзда юзага келганлигини, ўз тараққиётида қайси асосий босқичлардан ўтганлигини, ана шу ривожланиш жараёнида қай даражада ўзгарганлигини, истиқболда унинг қай тарзда ҳаракат қилишини англаб олиш муҳим эканлиги бежиз эмас. Ана шу қоидалар ҳар қандай ижтимоий воқеликни, шу жумладан парламент сингари муҳим институт масаласини кўриб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, амалиётнинг далолат беришича, парламентаризмнинг қарор топиши ўта мураккаб, баъзан эса машаққатли жараёндир.

Унда тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат ҳаёти, миллий анъаналари, халқнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Табиийки, ижтимоий амалиётнинг ривожи, тарихий тараққиётнинг кечиши мамлакат қонун чиқарувчи органи тўғрисидаги назарий тасаввурларни ҳам ўзгартириб боради.

Қонунчилик ҳокимияти давлат ҳокимиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни такомиллаштириш давлат ҳокимияти бутун тизимининг тарихий эволюцияси билан боғлиқ. Шу сабабли қонун чиқарувчи олий органларнинг қарор топиши ва ривожланиши муаммоларини ҳар томонлама таҳлил этиш

давлат қурилиши назарияси ва амалиёти учун, Ўзбекистон парламентаризмининг келажаги учун теран аҳамият касб этади. Айни пайтнинг ўзида истиқболни белгилаб олиш учун ўтмишни чуқур ва холис ўрганмоқ зарур. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак". Демак, тарихий ёндашув сиёсий-ҳуқуқий таҳлилнинг ажралмас қисми бўлиб, усиз сиёсий воқеликка ҳаққоний баҳо бериб бўлмайди.

Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда давлат мустақиллигига эришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Миллий парламентаризмнинг энг янги тарихи умум эътироф этилган учта асосий даврга бўлинади.

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар

Иккинчиси: 1995-2004 йиллар

Учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача.

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар

Ўтиш даври парламенти деб аташ мумкин бўлган охириги чақириқ Олий Кенгаш давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларни қабул қилди.

Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессияси 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Уч босқичда (1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда) бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шакллантирилди. Сайлов кўп партиявийлик асосида ўтказилди.

Иккинчи давр: 1995-2004 йиллар

Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти — Олий Мажлис шакллантирилди. Биринчи чақириқ (1995-1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан кўрсатилган 69 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 47, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 ва «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

Иккинчи чақириқ (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир каторда бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирокида бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисида 11 нафар депутатни бирлаштирган «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, 20 нафар депутатга эга бўлган «Ватан тараққиёти» партияси фракцияси, 34 нафар депутат ташкил этган Фидокорлар миллий-демократик партияси фракцияси, 49 нафар депутатдан иборат Халқ-демократик партияси фракцияси, 107 нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик «Ватан тараққиёти» ва «Фидокорлар» партиялари битта «Фидокорлар» партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг парламентдаги фракциялари

аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

Иккинчи чақирик Олий Мажлис таркибида сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар блокларидан ташқари қуйидаги 13 та қўмита ҳам фаолият кўрсатди:

- бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси;
- иқтисодий ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси;
- фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;
- саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси;
- атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;
- матбуот ва ахборот қўмитаси;
- ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси;
- аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси;
- халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;
- қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;
- демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;
- ёшлар ишлари қўмитаси;
- муҳофаза ва хавфсизлик масалалари қўмитаси.

Парламентда, шунингдек 3 та доимий комиссия ишлаган: Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси; Оила ва аёллар муаммолари комиссияси; Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси.

Мазкур босқичда қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг бош йўналишига айланди. 1995-2004 йилларда Олий Мажлис 240 та қонун, 778 та қарор қабул қилди, амалдаги қонун ҳужжатларига 1573 та ўзгартиш ва қўшимча киритди, 130 тадан зиёд халқаро шартнома ва битимни ратификация қилди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи мазкур босқичда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришга кўмаклашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга интилди. Натижада парламент мамлакатнинг демократик ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини анчагина кенгайтирди ва мустаҳкамлади. Мисол учун, биринчи чақириқ Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларда, бошқа қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асос солинган нормалар янада ривожлантирилди.

Парламент назорати ҳам Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қонунлар, конвенциялар, миллий дастурлар ижросини назорат қилиш тартибида ҳар йили 60 га яқин масалани кўриб чиқдилар. Бундай назорат Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатнинг барча вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрини қамраб олди. Бир палатали Олий Мажлиснинг назорат фаолиятини таҳлил этиш бир қатор қонуниятларни намоён этди. Биринчидан, мамлакат тараққиётининг янги босқичини ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муқаддам қабул қилинган қонунларни такомиллаштириш тамойили йил сайин кучая борди. Иккинчидан, қонун ижодкорлиги иши борган сари тармоқ тусини касб этиб, айрим соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга интилди. Учинчидан, бир неча қўмита ва комиссияларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган ҳамда муҳокамага киритилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ортиб борди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ва икки палатали парламента ўтиш (2004 йил декабрь — 2005 йил январь).

Икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар, шунингдек асосий конституциявий

қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилиб, у икки босқичдан иборат бўлди. Сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов участкаларига бўлинган 120 та сайлов округи ташкил этди. Сайловнинг биринчи босқичи 2004 йил 26 декабрь куни ўтказилиб, 62 нафар халқ ноиб, 2005 йил 9 январда бўлиб ўтган иккинчи босқичда Қонунчилик палатасига 58 нафар депутат сайланди. Сайловлар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодлар иштирокида бўлиб ўтди. Сайловда қуйидаги сиёсий партиялар иштирок этди: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси (2000 йилнинг июнида «Фидокорлар» партияси «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашган), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, шунингдек Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси.

Учинчи давр.

Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги кўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Мамлакатимиз қонун чиқарувчиларининг ана шу тарихий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов дастурий маъруза қилиб, унда жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилашнинг аниқ ва теран асослантирилган концепциясини, шунингдек мамлакатимизни 2005 йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг асосий вазифаларини илгари сурди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олға сурилган устувор йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли

вазифалари асосида ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди.

Икки палатали парламент қонунлар ишлаб чиқариш ва қабул қилишда популизм, лоббизм ва оғмачилиқдан асровчи қўшимча филтёр вазифасини ўтайди. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этади, парламент ва ҳукуматнинг функцияларини чегаралашга ёрдам беради. Парламент билан ҳукумат ўртасидаги зиддиятлар, тортишулар мутлақ бартараф этилмайди. Бироқ қонунларнинг икки палатадан ўтиш ва унга ҳукумат, давлат бошлиғининг имзо чекиши жараёни принципиал масалаларда муроса ва кулишув борлигидан далолат беради.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ва икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар киритиш асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар ўтказилди, асосий конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Демак, Олий вакиллик орган икки палатали этиб шаклландандан кейин бир қатор қонунларимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Янги қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 2003-йил “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 53-

моддасига мувофиқ Қораалпоёстон Республикаси Жўқори Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин, – деб кўрсатилган.

Ушбу қонунни чуқурроқ ўрганиш мақсадида хорижий давлатларнинг тажрибаларига назар соладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Чунончи, Франция юқори палатаси 9 йиллик муддатга департаментлардаги сайловчилар коллегиялари депутатлари, вилоят кенгашлари, туман кенгашлари, муниципал кенгашлар томонидан билвосита овоз бериш йўли билан сайланади. Италия парламентининг юқори палатасига 315 сенатор вилоятлар бўйича сайланади. Шунингдек, Италияда Сенат аъзоларини сайлаш ҳуқуқига 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиб, сайланиш ҳуқуқига 40 ёшдан кичик бўлмаслик талаб этилади.

Маълум бўлганидек, парламентнинг юқори палатасига сайлаш ва сайланиш ёши, Сенат аъзолигига қўйиладиган талаблар турлича. Умумий асосда олиб қарайдиган бўлсак, 18 ёшга тўлган фуқаро сайлаш ҳуқуқига эгадир. Лекин баъзи бир сайловларда маълум бир ёшга тўлган фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, Япония парламентининг юқори палатаси ҳисобланган маслаҳатчилар палатасига бўладиган сайловларда 20 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролар иштирок этиши белгилаб қўйилган.

Демак жаҳон тажрибасига кўра, бизнинг мамлакатимиз сайлов ҳақидаги қонунчиликда қандай бажарилаётганига эътибор қаратадиган бўлсак, Олий Мажлис Сенатини шакллантиришда маълум ёш талаб этишини кўрамиз. Аниқроғи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашлари шаклланадиган кейин бир ойдан кечиктирмасдан уларнинг қўшма мажлисларида Сенат аъзолигига сайловлар ташкил этилади. Демакки, юқори палатани шакллантиришда бизда мажоритар сайлов тизимидан фойдаланилади. Олий Мажлис Сенати аъзоларининг сайлашда маҳаллий Кенгаш

депутатлари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Табиийки, Олий Мажлис Сенат аъзоларини сайлайдиган маҳаллий Кенгаш депутатларининг барчаси 25 ёшдан кичик эмас. Бу эса давлатимизда юқори палатани шакллантиришда ўзига хос йўлнинг танланганлигидан далолатдир. Зеро, кенг жамоатчиликни сайловларни ўтказишга ҳаддан зиёд жалб этавериш ҳам давлатимизга ва жамоатимизга иқтисодий-ижтимоий томондан ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Яъни, парламент юқори палатасига сайловлар ўтказилиши учун алоҳида сайлов округларини, сайлов участкаларини ташкил этиш зарур бўлади. Сайловлар эса давлатимиз бюджети ҳисобидан ташкил этилишини унутмаслигимиз керак. Қолаверса, мамлакатимизда юқори палатани шакллантиришда иштирок этадиган маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам халқ номидан иш кўришади.

Юртимизда шу тариқа вакиллик органларининг нечоғлик ката аҳамиятга эга эканлиги ва Сенатни шакллантиришда жаҳон тажрибаларидан ўзига хос равишда фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Профессор Мурод Шарифхўжайевнинг Сенат аъзоларининг касбий маҳорати тўрисидаги илмий таҳлили бизда қизиқиш уйғотди: “Бугунги кунда икки палатали парламент давлатимиз жамияти ҳаётида катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Сенат юқори палата мақомида қуйи палата томонидан тайёрланган қонун лойиҳасининг мазмун-мундарижаси, сифати ва амалдаги ижроси учун масъул ҳисобланади. Шу сабаб жуда кўп нарса Сенат аъзолигига кимларни сайлаш, кимларни тайинлашга боғлиқ. Сенатор катта ҳаётий тажрибага, замонавий жаҳоний тафаккурга, эл-юрт олдида обрў-эътиборга, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, қонунчилик жараёнини яхши биладиган, тушунадиган шахс бўлиши шарт. Ана шундагина қуйи палата депутатлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари синчиклаб, моддама-модда, бирма-бир ўрганилиши, уларга жиддий ўзгартиришлар ва ўшимчалар киритилиши, керак бўлса, лойиҳа қуйи палатага қайта кўриб чиқиш учун қайтарилиши лозим. Бунинг учун Сенат аъзолари ҳар томонлама малакавий етук бўлишлари шарт. Бехудага Франция Сенати ёки Германия Бундестаги аъзоларининг бир

қисми олдин Франция Миллий Мажлиси, Германия Бундестаги – Федерал Мажлиси депутатлари бўлишмаган. Америка Сенати, Россия Федератсия Кенгаши таркиби ҳам деярли шундай. Бу тажрибани Ўзбекистон ҳам ўзлаштирмоқда. Олий Мажлис Сенати таркибида оз миқдорда бўлса-да, Олий Мажлисининг олдинги депутатлари фаолият кўрсата бошлади”, – деб таъкидлаганида жон бор, албатта.

Фикримизча, олий вакиллик органимизнинг юқори палатасига келгуси сайловлами ташкил етишда, шунингдек кўлами лавозимларига тайинлашда камида 25 %ини илгари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати лавозимида фаолият юритган ёки камида икки муддат маҳаллий Кенгаш (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари)ларда депутат сифатида фаолият юритган, қонунчилик соҳасида бой тажрибага эга бўлган вакилларимиздан номзодларининг кўрсатилиши таъминланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, биринчидан бундай кишилар ўзларининг бой тажрибаси асосида ўзларини сайлаган минтақа манфаатларини, юқори палатанинг самарали ишлашини тўла тўқис таъминлай олишлари мумкин,

Иккинчидан, Олий Мажлис Сенатига сайланган ва тайинланган аъзоларининг илгари қонунчилик палатаси депутати ёки икки муддат маҳаллий Кенгаш депутати сифатида фаолият юритган вакиллардан таъминланиши оралиқ парламент ислохотларининг босқичма-босқичлигини ҳам таъминлаган бўламиз. Давлатимиз олий вакиллик органи ҳисобланган Олий Мажлис Сенатига сайланаётганларнинг ёш сензига ҳам аҳамият берадиган бўлсак, Асосий қонуннинг 77-моддасида таъкидланишича: “Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади”, –

деб аниқ кўрсатилган. Демак, Олий Мажлси Сенати аъзоси этиб сайланиш учун ёш сензи жиҳатидан олиб қарайдиган бўлсак 25 ёшдан кичик бўлмаслик талаб этилади. Бу эса навбатида Олий Мажлис палаталрининг тенглигини, қонун ижодкорлиги соҳасида бўладими, қабул қилинган қонунларнинг ва қарорларнинг ижросининг таъминланиши назорати бўладими – барчасида уламинг ёш жиҳатидан ҳам, ваколатлар жиҳатидан ҳам тенглигини яна бир бор қафолатлайди. Шунингдек, 25 ёш нормаси олий вакиллик органининг юқори палатасига сайланаётганларнинг маълум даражада сиёсий тажриба тўплашига имконият беради. Бу ҳам юртимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан биридир, чунки, статистика бўйича давлатимиз аҳолисининг 64%ини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Демак, ўйлаймизки, давлатимизнинг олий вакиллик органининг юқори палатасига сайланаётган ва тайинланаётган вакилларимизнинг камида 25%ини олдин Олий Мажлис қонунчилик палатасида депутат сифатида фаолият юритган ёки камида икки муддат маҳаллий Кенгашлар депутати сифатида ишлаган фуқароларимиздан бўлишини таъминлаш оралиқ профессионал, чинакам, халқпарвар ва барча демократик тамоилларни ўзида мужассамлаштирган олий вакиллик органига эга бўламиз.

Хулоса қилганда, 1995-2004 йиллар ва учинчи давр 2005 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган давр Ўзбекистон бир палатали Олий Мажлис ўтиш даврида қонун яратувчилик соҳасида катта ишларни амалга оширди ва ўзини тўла оқлади. Парламент томонидан жамият ҳаётининг турли соҳаларига тегишли бўлган қонунлар қабул қилиниши демократлаштиришнинг асосини ташкил этди. Демократик жараёнинг ривожланиши янги прфессонал парламентга ўтиши учун сиёсий шароит яратди, халқнинг сиёсий ҳуқуқий маданият даражаси , савияси ўсди.

II БОБ МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

2.1. Парламентаризм ривожда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни

Ўзбекистонда қурилажак фуқаролик жамиятнинг илмий-фалсафий концепсияси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг бир қанча асарларида, жумладан, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» (1992), «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» (1997), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1998), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ этишдир» (2005), «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (2010) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев асарларида асослаб берилди.

Пировард масадимиз, – деб таъкидлади Юртбошимиз, – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор итқисодиётини, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир»

Бунинг учун:

- миллий-анъанавий боқшариш органларини тиклаш (масалан, ҳокимлик институти);
- жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини қонунлаштириш;
- давлат институтлари фаолияти устидан халқ назоратини ўрнатиш;

– ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимларига бўлинишини амалга ошириш;

– давлат ва юридик институтларнинг фаолиятини либераллаштириш;

– иқтисодийда ташаббусни, хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш;

– нодавлат ва халқаро нотижорат ташкилотларнинг юзага келиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш, одамларнинг давлат органларидан исталган ахборотни олиш ҳуқуқини таъминлаш;

– сиёсий партиялар фаолиятини ва ижтимоий ҳаракатларни жонлаштириш;

– халқнинг, фуқароларнинг давлат органларини шакллантиришда сайловлар, референдумлар орқали қатнашишини ҳаёт тарзига айлантириш.

Фуқаролик жамияти институтлари дейилганда турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги нодавлат нотижорат ташкилотларни, шу жумладан, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва муассасалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини тушунамиз.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳозирги кунда 10000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритмоқда. Давлат билан «учинчи сектор» номини олган фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шерикчилиги орқали мамлакатда демократик ислоҳотлар чуқурлаштирилмоқда, жамиятдаги долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал этиляпти. Айни пайтда, бундай шериклик жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини ўрганишнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг қонуний манфаатларини ифода этади, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради. Нодавлат (нотижорат) ташкилотларнинг ижтимоий функциялари ранг-баранг. Улар

фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рўёбга чиқаришга, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти қуйидагилардан иборат: аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг манфаатини ифода этади; фуқаролар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, сиёсий фаоллигини оширишда иштирок этади; миллий ўзликни англашда, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда, миллий ғояни халқимиз тафаккурига сингдиришда давлат органлари билан ҳамкорлик қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ривожланган жамиятда манфаатлар уйғунлиги қарор топади.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институлари, кенга жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назардан мунтазам текширишни англатади.

Жамоатчилик назоратининг назарий конструкциясини уч жиҳатдан талқин қилиш мумкин:

- 1) субъектлар таркиби;
- 2) инструментал жиҳати;
- 3) ҳуқуқий жиҳати

Жамоачилик назоратининг субъектлар таркибига қуйидагилар киради:

- жамоат бирлашмалари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар;
- сиёсий партиялар;
- алоҳида фуқаролар, уларнинг гуруҳлари;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳалла тузилмалари;
- оммавий ахборот воситалари.

Фуқаролик жамияти яшовчанлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири давлат ҳокимияти сиёсати ва қонунларда халқ манфаатларининг кенг ифодаланишидир. Жамият аъзоларининг эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, шахсий ўз фаровондигини таъминлаш кафолатларидан бири бўлган шахсий мулкчиликни ривожлантириш каби ҳуқуқий давлатга хос бўлган белгиларнинг шаклланиши учун ҳам парламент тизимининг халқчиллик даражаси юқори бўлиши тақозо этилди.

Ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган икки палатали парламтни жамиятдаги барча ижтимоий табақалар манфаатлари ва сиёсий иродаларини тўлиқ ифодалашга қобиллиги фуқаролик жамияти яшовчанлигини таъминлайди.

Француз мърифатпарвари Шарль Луи Монтескье (1689 – 1775 йй.) икки налагали парламентнинг ижроия ва қоиум чиқарувчи ҳокимиятларини ўз функцияларини бажаришларидаги “четга чиқишлардан ушлаб туручи” самарали восита сифатида талқин этган эди. Унинг қарашича, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аристократик қатлами – юқори палатаси қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи асосида эмас, балки қарорларни бекор қилиш ҳуқуқи асосида қурилмоғи керак. Монтескье “эркинликни таъминлашга қобил” бўлган ҳокимият қуйидаги қонунни ўзила мужассамлаштириши зарурлигини кўрсатган эди: “Бунда қонун чиқарувчи мажлис ўзларига тегишли бўлган бекор қилиш ҳуқуқлари асосида бир- бирларини ўзаро ушлаб турувчи икки қисмдан иборат бўлиши лозим. Уларнинг ҳар иккаласи ўз ўрнида ижроия ҳокимият билан боғланидилар. Шунингдек, ўз навбатида, ижроия ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятга боғлиқ бўлади”¹³.

АҚШ давлат қурилиш давлат назариётчиси Томас Жефферсон икки палатали парламентни таърифлаб, шундай деб ёзган эди: “Сенат ва депутатлар Палатаси ўз тузилишлари жиҳатидан деярли бир хилдирлар. Модомики, сайловчилар бир вақтнинг ўзида бир хил номзодлар ичидан ўзлари хоҳлаганларни сайлар эканлар. Албатта, бунда танловларда деярли бир хил сифатлар эга бўлган кишилар устига тушади.

¹³ Монтескье Ш. Избр. Пр. – М. 1955. 298-б

Турли конун чиқариш палаталарини тузишдан асосий мақсад – турли манфаатлар таъсирини таъминлашга эришишдир”.

Европадаги парламентлар амал қиладиган демократик принциплар – умумийлик, туғридан-туғри ва билвосита сайловлар, овоз беришнинг яширинлиги, сайлов кунларини тайинлаш қоидалари турлича шаклларда намоён бўлмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши, бунинг натижасида парламент тизимини такомиллаштиришга бўлган сиёсий эҳтиёжларнинг ўсиши сабабли икки палатали парламентга бўлган зараурият кучайди. Давлат ҳокимияти ва жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили сифатида жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг манфаатларини янада кенгрок ва чуқуррок ифодалаш сари интилиншлар икки палатали парламентларни фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шартларидан бирига айлантди.

XX асрнинг 70-90 йилларида дунёдаги икки палатали парламентлар 45 тадан 67 тага ўсди. Жаҳондаги бир палатали парламентларнинг деярли учдан икки қисмидан кўпроғи асосан ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Агар ҳозирги даврда жаҳонда 90га яқин бир палатали парламент фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 62 таси ўтган асрнинг 60-йилларида мустақилликка эришган учинчи дунё мамлакатларига тегишлидир¹⁴.

Икки палатали парламентларнинг ривожланиш ва такомиллашиш тажрибасини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, бу каби парламентларда жамиятдаги турли-туман ижтимоий табақалар манфаатларини ифодалаш, минтақалар аъёнларни сақлашга интилиншлар ва ҳудудий манфаатларни парламентга ташиш, ҳар икки палата ўзаро зиддиятлари ва келишунлари асосида турли манфаатларни ўзаро мувофиқлаштириш, шунингдек, бу манфаатларни ўзаро келиштириш ҳаётий воқеликка айланди.

¹⁴ Демократик кўппартиявийлик ва парламентаризм тамойилларини ривожлантириш масалалари// Ўзбекистон фуқаролик жамияти сари. – Т.: Шарқ. 2003. 222-бет

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентни шакллантириш ислохотлари ўзида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга дойр стратегик мақсадларни амалга ошириш сари интилишни ифодалайди. Мамлакатда икки палатали парламентни шакллантиришнинг дастлабки ҳуқуқий асоси иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари туғрисида”ги Конституциявий Қонунда (2002 йил 4 апрель) ифодаланиб, ундаги парламентга дойр принциплар Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилди. Конституциянинг 76-моддасида мамлакатда янги ташкил этиладиган икки палатали парламентнинг тузилиши қуйидагича таърифланди: “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан иборат”.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессиясида қабул қилинган (2002 й. декабрь) “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси туғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати туғрисида”ги Конституциявий қонунларда янги, икки палатали парламентни шакллантиришнинг асосий принциплари ва ҳуқуқий асослари мужассамлашди. Бунда қонунчилик палатасининг қўшптиявийлик асосида шакллантирилиши ҳақидаги қоида асосий принциплар қаторида мустаҳкамланди. Парламента дойр қонунларда илк марта сиёсий партияларнинг парламент фракцияларини тузиш ва уларни мувофиқлаштирувчи меёрлар ва тамойиллар ифодаланди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни таъминлашага қаратилган мазкур Конституциявий қонунлар икки палатали парламентнинг тизилмаси, таркиби, ҳар бир палатанинг ҳуқуқий мақомлари ва функциялари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари,

умуман, парламент қопун чиқарувчи ҳокимият сифатида тутган ўрнининг конституциявий асосларини янада мукаммалаштирди.

2002 йил 27-январда Утказилган умумхалқ референдум натижаларига мувофиқ Ўзбекистан Республикаси Конституциясига икки палатли профессионал парламента дойр киритилган қушнмчалар ва тўлдиришлар ҳамда янги шаклланган қонунчилик асослари демократик ислохотларни амалга оширишнинг қуйидаги йўналишларида ҳуқуқий асосларини таъминлаб берди:

– мамлакатда ҳақиқий демократик кўппартиявийликни таъминлаш мақсадларида сиёсий партияларнинг ҳокимиятини шакллантиришдаги урнини кескин ошириш маҳллий вакиллик органларининг парламент депутатлигига номзод кўрсатиш ваколатига бардам бериш асосида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларнинг бир-бирларидан ўзаро мустақиллигини таъминлашни ниҳоясига етказиш;

- маҳаллий ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ҳам манфаатларини қонун чиқариш жараёнларида ҳисобга олишнинг ҳуқуқий асосини яратиш;
- минтақалар ва ҳудудлар манфаатларини парламентда қабул қилинган қонунларла ифодаланишини таъминлаш;
- парламент юқори палатасига давлат раҳбарининг баъзи ваколатларини бериш ҳисобига қонун чиқарувчи ҳокимиятининг сиёсий мавқеини ошириш;
- парламентда янгида кўпроқ ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари ифодаланишини таъминлаш;
- қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари бир-бирларини “ушлаб туриш” тамойилини амалга оширишнинг реал имкониятлари ва ҳуқуқий асосларни яратиш;
- парламентнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантирилишида ўрнини янада оширилишига эришиш.

Ривожлаган давлатлар тажрибалари билан миллий анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда Сенатга ижро ҳокимиятининг баъзи ваколатлари

берилди. Шунингдек, сенатнинг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги ўрни оширилди. Сенатга ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти тизимлари раҳбарларини шакллантиришдаги иштироки билан боғлиқ ваколатлар берилиши уни мустақил палата сифатидаги мавқеини кўтарди.

Икки палатали парламентага дойр қонунларда ҳукумат ва унинг органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида махсус “парламент сурови”га дойр қоидалар киритилди. Мазкур қоида қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги ўзаро мувозанатлашув жараёнларини таъминлаб бериши шубҳасиздир. Бу қоида ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципларидан бири бўлиб, у фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, бу иккала ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ва мутоносиблар ўз навбатида, кейилчалик суд ҳокимиятнинг мустақиллиги учун шарт-шароитлар яратиб беради. Сенат аъзолари ва қонунчилик палатаси депутатларининг ижроия ҳокимияти ва унинг органларидаги мансабдор шахсларига нисбатан парламент сўрови билан мурожаат қилиш ҳуқуқи эгаллиги мустаҳкамланди. Бошқача айтганда, қонунлардаги бу демократик тамойил ҳокимиятларни бирларини “ушлаб туриш” функцияларини тўлиқ бажарилишининг ҳуқуқий асоси ҳамдир.

Икки палатали парламентда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳам илғор халқаро тажрибалардан келиб чиқиб белгиланди: Қонунчилик палатасидан қонунчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президент, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Иқтисодиёт суди, бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонида қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Конституцияга биноан, Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўшпартиявийлик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлиб, мазкур палата

депутатларини мамлакат фуқаролари ялпи, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқига мувофиқ, яширин овоз бериш йўли билан сайлайдилар. Сенатнинг 100 аъзо (сенатор)дан таркиб топган ҳудудий вакиллик палатаси бўлишлиги қонунда белгилаб қўйилди. Сенат аъзолари тенг миқдорда – 6 кишидан – Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, халқ депутатлари вилоят, туман шаҳар Кенгашлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида, мазкур депутатлар орасидан, яширин овоз бериш йўли билан ҳаммаси бўлиб, 84 та сенатор сайланади.

Шунингдек, 16 сенатор Ўзбекистан Республикаси Президенти томонидан фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳадсида, давлат ва жамиятнинг бошқа жабҳаларида алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли, катта амалий тажрибага эга фуқаролардан тайинланади¹.

Қонунчилик палатасининг иши барча депутатларнинг доимий профессионал фаолиятига асосланади. Улар ўз ваколатлари даврида илмий, педагогик ва ижодий ишдан бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Юқори палата фаолияти сенаторларнинг Сенат ялпи мажлислари ви қўмиталари (комиссиялари) йиғилишларига вақти-вақти билан чақириладиган сессиялари, шунингдек, доимий ишлайдиган Сенат раҳбарияти, қўмита ва комиссияларнинг доимий ишлайдиган раҳбарларнинг профессионал меҳнати билан амалга ошади.

Шунингдек, қонунлар қабул қилиш жараёнлари ўзгарди. Парламента қонун фақат Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланади, сўнгра мамлакат Президенти имзо қўйганидан кейин у ҳуқуқий кучга эга бўлади. Ҳар бир қонун Қонунчилик палатасида, олатда бир неча ўқиш муҳокамасидан сўнг қабул қилиниши лозим. Сенат Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунни маъқуллаши ёки қайтариши мумкин. Қайтарилган қонун Қонунчилик палатасига қайга кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва у Қонунчилик палатасида иккинчи марта депутатлар учдан икки қисмининг

овози билан қайтадан қабул қилингандагина Олий Мажлис томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда профессионал икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ бўлган қонунчилик асослари ва конституциявий ҳуқуқий асослар жаҳондаги ривожланган давлатларнинг парламентчилик тажрибалар ҳамда мустақиллик йилларида шаклланган мамлакатдаги миллий парламентчилик анъаналарига асосланди.

Парламентнинг умуммиллий палатаси – Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлари асосида шаклланиши мазкур палатани фуқаролик жамияти билан бевосита алоқдорликда бўлишини таъминлайди. Жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари воситасида ўз манфаатларини парламент етказиш имкониятига эга бўлди.

Сиёсий партияларнинг бош вазифаларидан бири – давлат билан жамият ўргасидаги воситачилик функцияларини бажариши учун кенг имкониятларга эга бўлди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларидан келиб чиқиб, парламент орқали давлат қурилиши ва жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш, сиёсий ва демократик институтларни ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, нодавлат тузилмалар фаолиятини фуқаролик жамияти талаблари асосида йўлга қўйиш, давлат ҳокимияти ваколатларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиб бориш соҳаларида ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ўзбекистонда икки палатали профессионал парламентни шакллантириш ислохотлари сиёсий партиялар фаолиятининг меъерий-ҳуқуқий негизларини кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича

кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма денутатдан иборат” эканлиги тўғрисидаги тамойил сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини кескин оширишга олиб келди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 16-моддасидаги “Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари киради¹⁵”, 17-моддасидаги “Қонунчилик палатаси кўмиталари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва аъзолари лавозимлари депутатларнинг райси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда қанча сайловчилар овозини олганлигини инобатга олган ҳолда белгиланади”, 28-моддасидаги “Фракциялар қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақли”, 23-моддадаги “Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли”, 24-моддасидаги “Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракцияси депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга” каби ҳуқуқий қоидаларнинг киритилиши 2004 йил декабрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатишда ва парламент фаолиятида сиёсий партияларнинг нуфузини кўтарди ва уларнинг мустақил демократик институт сифатидаги ҳуқуқий мақомини таъминлади.

Шунингдек, халқаро тажрибалар, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва ўзаро мустақиллиги принципларидан келиб чиқиб, парламентнинг ижроия ҳокимиятини назорат қилишини таъминлашга дойр ҳуқуқий асослар ҳам шаклланди. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунининг 31-

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонун. – Т.: 202-б

моддасида қуйидаги қоида белгиланди: “Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ижроси устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Қонунчилик палатасига Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборадн. Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг йилнинг ҳар чорагидаги ижросиниш боришини кўриб чиқади. Уни кўриб чиқиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи, масъул қўмитанинг хулосаси эшитилади, муҳокамага ўтказилади ва тегишли қарор қабул қилинади”.

Шу билан бирга, парламент томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатларининг берилиши билан қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш имкониятлари шаклланди. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ишлаши, авторитар тизимнинг барҳам топиши учун ҳар учала ҳокимиятнинг ўзаро бир-бирларини назорат қила олиш қобилиятларига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳукумат фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида қонунчиликка махсус парламент сўровига дойр модда киритилди: “Қонунчилик палатаси, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимиити ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослангирилган тушуинтириш бериш ёки нутқай назарини баён қилиш талаби билан парламент сурови юборишга ҳақли”¹⁶.

Мамлакатда икки палатали парламентга дойр ҳуқуқий асосларнинг ривожлангирилиши натижасида фуқаролик жамиятининг институтлари – нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини парламентда қабул қилинадиган қонунларда ифодаланишига эришиш учун зарур шарт-шароитлари шаклланади. Янги парламентнинг қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва жонли ўзаро ҳамкорлик қилиши учун барча имкониятлар яратилди.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонун.

Мамлакатда амалга оширилган икки палатали парламентни шакллантириш ислохотлари натижалари шуни кўрсатадики, жамият институтларини қонун чиқариш жараёнларига жалб қилиш қонунларнинг халқчил бўлишига, уларнинг жамиятдаги барқарорлик ва демократик тамойилларни кадр топишига имкониятлар ва шарт-шароитлар яратади. Мухими, фуқароларнинг сиёсии жараёнлардаги иштироки янада кенгайиб боради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислохотларида ҳамда халқчил қонунлар қабул қилиш жараёнларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш на улар фаолиятини демократик тамойиллар асосида такомиллаштириш масаласининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини Бриничи Президент И. А. Каримов куйидагича таърифлаб беради: “Парламент – бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадилаган кузгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш фикр ва қарашлар бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини ўзида мужассам этади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, икки палатали парламентнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳларининг турли-туман манфаатларини кенг ифода этиш салоҳиятига эгаллиги бўлса, иккинчи томондан, мазкур парламент қонун ишлаб чиқариш фаолиятининг фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларининг бажара олиш қобилиятларини шаклланиши билан боғлиқдир. Чунки, фуқаролик институтлари ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг манфаатларини мужассамлаштириш ва уларни парламент қабул қилинадиган қонунлар лойиҳаларига киритишга интилишлари натижасидагина ҳақиқий халқчил қонунлар қабул қилинишига эришиш мумкин. Кўриниб турибдики, парламент фаолиятига нисбатан фуқаролик жамияти институтларининг таъсирини кучайтириш “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга оширишининг муҳим асосий шартларидан биридир.

2.2. Сиёсий партиялар ва сайловлар – парламент шаклланиш ва янгилаш институтлари сифатида

Мустақиллик йилларида ўзбек парламентчилиги демократик стандартларга мувофиқ очик ва эркин сайловлар кўппартиявийлик асосида фаолият олиб бормоқда.

Доимий асосда ишлаётган қонунчилик палатасининг кўппартиявийлик, муқобиллик асосида шакллантирилиши демократиянинг ёркин ифодаси бўлди. Бу фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган интилиши ва ишончининг ортиб бораётгани, шунингдек, давлат ишларида қатнашиш ҳаётий заруриятга айланиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 60-моддасида “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар”,¹⁷ – деб қайд этилган. Маълумки, ҳозирги кунда ҳар бир сиёсий партия амалдаги қонунларга биноан сайлов жараёнида Президентликка, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиб, давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этмода. Ҳозирда мамлакатимиз фуқаролари сиёсий партиялар орқали нафақат давлат ҳокимиятини шакллантиришда, ҳаттоки улар фаолиятини назорат қилишда ҳам иштирок этади. Шундай экан жамиятда сиёсий партияларнинг мавжудлиги объектив зарурат туфайли юзага келиши табиий. Зотан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда айнан сиёсий партиялар муҳим рол ўйнайди.

“Бундай ташкилотламинг обрўси ошиб, мустақамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б.12.

фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамламинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмода”.

Сиёсий партиялар – ўз аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий иродасини ифода этадиган, давлат сиёсий йўналишини белгилашда, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, ҳокимиятни ўзининг вакиллик ҳокимият органларига сайланган вакиллари орқали амалга оширишда иштирок этишни ўзига вазифа қилиб олган барқарор тузилмаган ва доимий фаолиятга эга бўлган мустақил ижтимоий бирлашмадир.

Мамлакатда бир неча партияларнинг мавжудлиги кўппартиявийлик тизимини юзага келтиради. “Жамиятда фаолият олиб бораётган турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжлари ва ниятлари айнан кўппартиявийлик... Кўппартиявийликнинг бирон-бир партия ёки гуруҳ томонидан сиёсий ҳокимиятнинг монополия қилиб олинишига тўсқинлик қилиш функциясини ҳам унутмаслик даркор¹⁸.

Кўппартиявийлик тизимини тоталитар давлатлар ўзи учун ёт деб билса, демократик йўлни танлаб олган мамлакатлар учун муҳим таркибий ҳисобланади. Ўз олдига демократик тартибларни амалга оширишни, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қарор топтиришни мақсад қилиб олган ҳар бир хал мамлакатда бир неча партиялар фаолият олиб боришидан манфаатдор. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатда бир неча сиёсий партияларнинг фаолият юритиши натижасида жамиятда турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар манфаатлари мақсадлари ва эҳтиёжлари ифода этилади.

“Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик

¹⁸ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.130-131.

муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак”. Тоталитар жамиятда буни акси, яъни ягона монопол партия ҳукмрон элита манфаатларини ифодалайди. Оддий фуқаролар бундан жабр кўради холос. “Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўёлмаймиз”.

Жамиятда битта партияни якка ҳукмронлик илиши оқибатида демократия издан чиқади, халқ ва ҳокимият бир-биридан ажралади, ҳокимият эгалари бузилади, мамлакат таназзул ва парокандаликка юз тутлади. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасида ислохотларнинг илк йилларидан фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, мамлакатда сиёсий плюрализмни таъминлайдиган субъект – кўппартиявийлик тизимининг қарор топишига асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов илк “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида “чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш” инсонга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий борлини эркин танлашни кафолатлаш мумкинлиги шартларидан бири, деб исоблайди.

Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, давлат ҳокимияти, сиёсий партия ва инсон ўртасида узвий муносабат шаклланиши лозим. Ушбу субъектлар ўртасидаги муносабатни таъминлайдиган элементлардан бири бу – сайлов тизимидир. Республикамизда сайлов тизими билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик шакллантирилди. “Ушбу қонунларда давлат

ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимиغا, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принцинал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиши амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принцинал қадам бўлди”. Масалан, бу жараёнлар ривожини биргина Парламент учун ўтказилган сайловлар нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги маълумотларга эга бўламиз. 1994-йил 5-декабрда илк бор кўппартиявийлик асосида Олий Мажлисга бўлган сайловларда номзод кўрсатиш қуйи иккита субъект – сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларига берилган эди. Натижада Олий Мажлисидаги 250 депутатлик ўрини сиёсий партиялардан 83 нафар, ҳокимият вакиллик органларидан 167 нафар депутат сайланди.

1999-йил 25-декабрдаги Олий Мажлисга бўлган сайловларда эса номзод кўрсатиш қуйидаги учта субъект – сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари эга бўлди. Сайлов натижаларига кўра, сиёсий партиялардан – 123, ҳокимият вакиллик органларидан – 110, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 16 нафар депутат сайланди.

2004-йилнинг 26-декабрида икки палатали парламентнинг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловларда иккита субъект – сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзод кўрсатиш қуйидан фойдаланган. Натижада сайловларда қатнашган тўртта партия томонидан кўрсатилган номзодлардан – 108, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан эса 12 нафар депутат сайланган.

2008-йилнинг 25-декабрида қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўрисида”ги қонуннинг кучга кириши биринчи галда сиёсий партиялар фаоллигини оширишга кўмаклашган бўлса, иккинчи томондан уларга катта масъулият ҳам юклади. Яъни ушбу қонунга мувофиқ қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрнидан 135 тасига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан тақшари, юқоридаги қонунга мувофиқ, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги ўрнини кўрсатиб берадиган, шу билан бирга сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. “Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнқтилаган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айти вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори авалги 50 минг имзо ўмига 40 минг илиб белгиланди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари они 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг “ваколатли вакили” деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўритўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозлами санаб чиқишда иштирок этиш ууи берилди... Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босиқларида, шунингдек, сайлов кунида овоз бериш хоналарида ва овозлами санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи” иштирок этиши белгилаб қўйилди. Бу эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга 2009- йилнинг 27-декабрида бўлиб ўтган сайловларда ўз ижобий натижасини берди. Республикамиздаги сиёсий партиялар деярли барча округларда қонунчилик палатаси депутатлигига ўз номзодларини кўрсатдилар. 517 нафар номзоддан 134 нафари Ўзбекистон ХДПдан, 123

нафари Адолат СДПдан, 125 нафари Миллий тикланиш ДПдан, 135 нафари ЎзЛиДеП томонидан таклиф этилди. Сайлов натижасига кўра, ЎзЛиДеП – 53, Ўзбекистон ХДП – 32, Миллий тикланиш ДП – 31, Адолат СДП – 19 нафарлик фраксияларига эга бўлдилар. 2014-йилда бўлиб ўтган сайловларда ЎзЛиДеПдан – 52, Миллий Тикланиш ДПдан – 37, ХДПдан – 26, “Адолат” СПдан – 20 нафар депутат сайланди. Сиёсий партиянинг “ваколатли вакили” института киритилиши, сайлов жараёнининг барча босқичларида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчининг иштироки сайлов кампаниясининг янада очик-ойдин, демократик, қонуний тартибда ўтишини таъминлаб берди.

Демократик янгиланишлар жараёнида сиёсий партияларга берилаётган эътибор жамиятда уларга билдирилаётган ишончнинг бир кўринишидир. Шундай экан, партия ва ҳаракатларнинг қонуний фаолият юритиши шарти расмий ҳокимиятга қарама-қарши туриш эмас, балки уни қўллаб-қувватлаш, кенг омма қатламини, турли ижтимоий гуруҳларни ва энг аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўзида акс эттиришдан иборат.

Фақат инсон манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш юритишгина, партиянинг доимий ва тўлақонли фаолиятини таъминлайди. Фуқароларнинг эзгу еҳтиёжи ва туб манфаатларини давлат манфаатларига қиёслаш жамиятнинг реал ҳолатини белгилайди. Шунингдек, давлат ҳокимияти билан сиёсий партия ва ҳаракатлар орасида кучли ҳамжиҳатликни қарор топтириш жамиятда барқарорликни таъминлаш, турлича ижтимоий гуруҳлар манфаатларини акс эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.¹⁴

Ўзбекистонда Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг мақсади, биринчи навбатда, партия мафкураси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун фаол ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун эса оқилона ташкилий механизмларни яратиш ва партиялар фаолиятини қайта куриш талаб этилади.

Ўзбекистон сиёсий партиялари олдида ўз дастурларини янада такомиллаштириш, бутун аҳоли ва электорат олдида ўзлигини топишдек ниҳоятда муҳим вазифа турибди. Шубҳасиз, бунда партиялар бир-биридан фарқ қилувчи мақсад ҳамда вазифалар билан бирга халқ ва миллатни жипслаштирувчи умумий ғояларга эга бўлмоғи ҳам даркор. Ушбу мақсадлар йўлида уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлар ҳисобланади. Шунингдек, асосий ҳужжатлардан яна бири Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонундир. Мазкур Конституциявий қонун лойиҳаси 2006-йилнинг ноябрида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-модда; 93-модданинг 15-банди; 102-модданинг 2-қисми) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис эътиборига ҳавола этилган ҳамда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун борасидаги мазкур ташаббуси 2004-йилдан бошланган Парламент ислоҳотининг мантиқий ривожини сиёсий партияларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини оширишга қаратилган муҳим саъй-ҳаракат бўлди. Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтгач, 2007-йилнинг 11-апрелида қабул қилинди. 2008 йилнинг 1-январидан кучга кирган бу қонун сиёсий партиялар тараққиёти учун ҳуқуқий кафолатдир. Конституциявий қонун кучга кириши билан сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг қонунчилик-вакиллик тармоқи фаолиятига нафақат ўз таъсирини кучайтириш, балки ижро ҳокимияти бўғинларини шакллантириш ва улар фаолиятини назорат қилишда бевосита иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Мазкур қонун, шунингдек, ижро ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органларида ўз вакилларига эга сиёсий

партияларнинг ҳалол ва амалий рақобатини яна авж олдиришига шарт-шароитни юзага келтирди. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рақобатчи куч сифатида майдонга тушаётган Парламент муҳолифати ўз мақомига кўра давлат ҳокимиятига қарши чиқадиган сиёсий куч ҳисобланмайди. Аксинча, у ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи-вакиллик тармоғида ҳукуматнинг фаолият дастурларини ва улар ижросини холис танқид қилиш вазифасини бажарувчи узвий бўғинга айланади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хохиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади.¹⁵ Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва амалда қўлланилиши натижасида сиёсий партиялар марказ ва жойларда, давлат ва ҳокимият органларини шакллантириш билан бирга жамоатчилик назоратини рўёбга чиқаришда ҳам катта имкониятларга эга бўлдилар. Шунингдек, ҳокимият вакиллик органларининг ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиши самарадорлиги ортди. Парламентдаги сиёсий партиялар фраксияларининг парламент назоратини янада фаоллаштириш орқали ҳукуматга таъсир этиш имконияти кенгайди.

Ушбу қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон раҳбари халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик (партия) гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашиб қолгандан сўнггина ҳоким номзодини тасдиқлаш учун тақдим этиши кўрсатиб ўтилган. Ўз-ўзидан аёнки, бу жараёнда депутатлик гуруҳларининг ҳоким номзодига қўйилаётган шахсдан эркин танқидий фикр билдириши учун имконият вужудга келади. Конституциявий қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 7-моддага биноан назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг

қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосаларни тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқи берилган. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади. Бу эса сиёсий партияларга ижроия ҳокимиятнинг барча бўғинларида бир хил ҳуқуқ ва таъсирга эга бўлишга, ҳокимлар фаолиятини назорат этиш орқали муайян ҳудудларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожлантиришда ташаббускор ва таъсирчан кучга айланишга шарт-шароит яратиб беради. Умуман олганда, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва тасдиқлашнинг замонавий тартиби ҳамда вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолиятини маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан назорат қилиниши вазифасининг такомиллашганлиги сиёсий партияларнинг жойлардаги салоҳиятини рўёбга чиқаришда вакиллик органлари самарадорлигини кучайтиришга кўмаклашди. Фикримизча, Конституциявий қонуннинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига татбиқ этилиши, мамлакатимиз сиёсий тизимини, хусусан, сиёсий партиялар фаолиятини янада ривожлантиришга туртки берди. Бу ўринда мамлакат Бош вазири лавозимига тайинлаш ва озод этишда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва масъулияти ошишини яна бир бор эътироф этиш лозим. Ҳозирда сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фраксиялари фаолиятида мустақиллик, ташаббускорлик этишмаяпти. Улар жамият ва давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар ечимини излашда ташаббус кўрсатмаяптилар, ваҳоланки, бундай масалаларнинг оқилона ечимини уларнинг ўзи кўрсатиб бериши лозим.

Шу боис сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш мақсадида Президентимиз томонидан қуйидаги қонунчилик ташаббуси киритилди: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг

миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиланган ҳисобланади”.¹⁶ Концепсияда билдирилган ушбу таклифнинг қонунчиликда ўз ифодасини топиши сиёсий партиялар ривожига кучли таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга ўз вазифаларини амалга оширишида партияларнинг масъулияти ҳам бир неча баробар ошади. Концепсияда илгари сурилган таклифлар сиёсий партияларнинг давлат аҳамиятига эга энг муҳим масалалар ечимини топишдаги роли ва таъсирини кучайтириш вазифасини кун тартибига қўймода. “Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шакл-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга... Одамлар онгида демократик кадриятлами мустаҳкамлашда уларнинг сиёсий ва Фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир”.

Сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ошиб, мавқеи мустаҳкамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг бўғинига айланади. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар томонидан жойларда ва марказда давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан

жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши, биринчидан, уларнинг монополлашуви (яккахуқмронлиги)ни олдини олади, иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда учинчидан, шахс манфаатлари давлат манфаатларидан устуворлиги таъминланади. Бу борада мамлакатимизда салмоқли ислоҳотлар амалга оширилмода. Шунини қайд этиш лозимки, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги ролини кучайтириш натижасида ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ўсганлиги, демократик институтларнинг такомиллашганлиги бундан кейин ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мумкинлигидан далolat беради. Умуман олганда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш “кучли давлатдан кучли Фуқаролик жамияти сари” тамойилини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг белгисидир. Бу ҳолат инobatга олиниб, 2014-йил 17-апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгаришлар асосида Парламент қўйи палатасида энг кўп депутатлик ўринини қўлга киритган сиёсий партия ёки кенг миқдордаги депутатлик ўринларини эгаллаган сиёсий партиялар Бош вазир номзодини таклиф қилиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бу, *биринчидан*, сиёсий партияларга парламент қўйи палатасида энг кўп ўринни эгаллаш учун аҳоли ҳамда ўз электорати доирасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишни талаб қилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурла-рининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади. Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида анча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва

сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади”.

Иккинчидан, бу — сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобатнинг янада кучайишига олиб келади. Бунда сиёсий партиялар, юқорида таъкидлаганимиздек, конструктив муҳолифат позитиясида бўлишни унутмаслиги керак. **Учинчидан**, сиёсий партиялар ўз дастурларини яна бир карра қайта кўриб чиқиши лозим, деб ўйлаймиз. Чунки бу дастурларда электоратни жалб қила оладиган, сайловчилар ҳам мазкур партия томонидан кўрсатилган номзодларга ўз хоши-истаги билан овоз берадиган ғоялар мужассам бўлмас экан, унда партия ўз олдида қўйган мақсадга эриша олмайди. Бунинг натижасида у ёки бу партия томонидан қонунчилик палатасида кўпчилик депутатлик ўринлари эгалланмай қолади ва ўз-ўзидан Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. **Тўртинчидан**, бу — сиёсий партиялардан сайланган депутатлар (сиёсий партиялар фраксияси)нинг сиёсий онги ва тафаккурининг жуда юқори бўлишини талаб қилади. Агар депутатлар етарли даражада сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлмаса ёки “узоқни кўра олмаса” (Бош вазир лавозимига номзодни таклиф этишда), сиёсий партия фраксияси томонидан кўр-кўрона қарорлар қабул қилиниши мумкин. Чунки Бош вазирликка номзод сиёсий партия фраксияси ёки тенг миқдорни эгаллаган сиёсий партиялар фраксиясига ўз дастурини тақдим этади. Албатта, бу ўринда фракция аъзолари ҳам Бош вазирликка номзоднинг дастурида билдирилган вазифаларни таҳлил қила олиши ва уни муносиб баҳолай билиши лозим.

Сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштиришга доир ислохотлар натижасида уларнинг жамиятдаги ўрни анча юксалиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида уларнинг қонунчилик асослари янада ривожлантирилди.

Ҳар қандай давлатда вакиллик демократияси шаклланишини сиёсий партияларсиз тасаввур қилиб бўлмагани маълум. Шунинг учун мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида сиёсий

партияларнинг ролини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Улар фаолиятининг қонуний асослари мустаҳкамланиб, ваколатлари кенгайтирилмоқда. Натижада сиёсий партияларнинг ислохотлар ижтимоий самарасини янада оширишда масъулияти кучайиб, ҳозирда хорижий мамлакатлар олимлари, халқаро экспертлар Ўзбекистонда парламент фаолиятини такомиллаштириш ўзига хос янги босқичга кўтарилганини эътироф этмоқда.

2.3. “ Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ўрганиш усуллари

Бугунги кунда ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизнинг таълим тизимини ислох қилиш ва такомиллаштириш, унга янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, янги сифат боқсичига кўтариш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасида “Талим тўғрисида”ги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан узликсиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди. Бунда таълим муассасаларида ананавий таълим билан бир қаторда замонавий интерфаол таълим методлари ҳам кенг қўлланилмоқда.

“Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзуси юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда замонавий таълим методларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки,ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишига олиб келади.

Бу методларнинг қайси бири мавзуни ёритишда яхшироқ самара беришига қуйида тўхталиб ўтамиз.

А)Таълим бериш технологиясининг модели.

Мавзу: “Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм”

Вақти-2 соат	Талабалар сони 25-30 нафар
---------------------	----------------------------

<p>Маъруза машғулоти режаси:</p>	<ul style="list-style-type: none"> – Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши – “Парламентаризм” тушунчаси, ижтимоий-фалсафий ва тарихий ёндошувлар – Парламент ислохатларида миллий анъана ва хорижий тажриба – Миллий парламент – фуқаролик жамияти куриш ва ижтимоий фаровонлик омили – Парламентаризм ривожда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни. – Сиёсий патиялар ва сайловлар – парламент шаклланиш ва янгилаш институтлари сифатида
<p>Маърузанинг мақсади:</p>	<p>“Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ўрганиш ва илмий жиҳатдан ёритиб бериш</p>

<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> – маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва докладлар тайёрлаш; – билимларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш; – дарслик ва кўшимча адабиётлар билан ишлаш, кўникмаларни ҳосил қилиш 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба: –“Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ўрганиш борасида муҳим маълумотларга эга бўлади;</p> <ul style="list-style-type: none"> – Ушбу мавзу доирасида қилинган ишлар ва мавзунинг мазмун-моҳияти ҳақида билимга эга бўлади; – мавзунини янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш усуллари ўрганади;
<p>Ўқитиш усуллари ва техникаси:</p>	<p>Муаммоли усул, суҳбат, ақлий хужум, галерея, таянч атамалардан фойдаланиш, ФСМУ</p>
<p>Ўқитиш воситалари:</p>	<p>Маъруза матни, ўқув материаллари, маркер, қоғоз, компьютер техника воситалари, видеодан фойдаланиш</p>
<p>Ўқитиш шакллари:</p>	<p>Гуруҳларда, коллектив, якка</p>
<p>Ўқитиш шароити:</p>	<p>Аудитория</p>

Б) ФСМУ технологияси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда яъни ушбу БМИ мавзусини ёритишда ўқув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади. Талабаларга тарқатилган оддий қоғозга “Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзуси юзасидан ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этадилар, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни

баён этадилар. Бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлашга ўргатади.

қуйидаги саволлар орқали мавзунини ёритиб ўтишимиз мумкин:

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М - кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

У - фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ жадвалини тўлдиринг.

Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ҳақида нималарни биласиз?

<p>Ф – фикрингизни Баён этинг</p>	<p>Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусида Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши ва ривожланиши, парламентаризм ғояларининг тарқалиши, сиёси партияларнинг парламентаризм тараққиётида тутган ўрни баён этилган.</p>
<p>С - фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг</p>	<p>Ўтиш даврида амалга оширилган ишлардан сўнг икки палатали парламентга асос солинди. Эндиликда мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган парламентаризм ҳамда миллий парламент ҳақида ўқувчилар пухта билимга эга бўлишлари керак эди.</p>
<p>М-кўрсатган сабабга тушунтирувчи мисол келтиринг</p>	<p>Мавзуда келтириб ўтилган Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланишида давлатимиз томонидан амалга оширилиши керак бўлган вазифаларнинг барча соҳаларини қамраб олади.</p>

У-фикрингизни умумлаштиринг	Бугунги кунгача амалга оширилган ва амалга оширилаётган ишлар шуни кўрсатадики, янги аср бошида ташкил этилган икки палатали парламент мамлакатимизни ривожлантиришда керакли даражада самарали меҳнат қилмоқда.
-----------------------------	--

“КЕЙС-СТАДИ” методи

“Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзусини ўзлаштиришда бу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Кейс-стади методи ушбу мавзунини ўрганишда талабанинг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имконини беради.

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p>1 босич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти би-лан таништириш</p>	<p>– “ Парламентаризм ғояси ва миллий парламентаризм” мавзуси билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</p> <p>– Мавзунини умумлаштириш;</p> <p>– Муаммоларни аниқлаш;</p>
<p>2 босич: Кейсни аниқлашритиш ва ўқув топшириқини белгилаш</p>	<p>– Парламентаризм ҳамда икки палатали парламентнинг шаклланишидаги муаммо долзарблигини аниқлаш;</p> <p>– Мавзудаги асосий муаммони аниқлаштириб олиш</p>

<p>3 босич: Кейсдаги асосий муаммони ёритиб ўтиш ва талил этиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> – Мавзуда келтирилган маълумотлар асосида ёритиб ўтиш; – Ҳар бир йўналишнинг имкониятлари ва тўсиқларини таҳлил қилиш;
<p>4 босич: Кейс мазмунини шакллантириш, асослаш ва тадирот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> – Мавзунини ёритиш учун тақдирот тайёрлаш; – Ҳар бир устувор йўналишлар борасида амалга оширилган ишларни келтириб ўтиш; – Мавзудаги вазифалар ва шу кунгача қилинган ишларнинг талили ва уларни умумлаштириш, якуний хулоса.

ХУЛОСА

Парламент ўзининг тарихий кўринишларида, асосан, гапириш, фикр ифодалаш, ва шу каби давлат сиёсатига у ёки бу шаклда таъсир ўтказиш воситаси бўлиб келган. Аммо бугунги кунга келиб, замонавий парламент давлат ҳокимиятанинг қонун чиқарувчи олий вакиллик органи, сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми, мустақил сиёсий институтга айланган Зеро, парламентнинг қонунчилик вазифаси шахс, жамият ва давлат фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконини беради. Қонунлар ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб, унга риоя этиш ҳар бир фуқаронинг, давлат органларининг, хўжалик юритувчи субъектлар ва демократик институтларнинг ижтимоий мажбуриятидир.

Умуман олганда, парламент давлат ҳокимияти институтлари тизимида сайлаб қўйиладиган асосий вакиллик органи ҳисобланади. Бу эса унинг фуқаролар учун очиқ ва демократик табиатини белгилаб беради. Бундан ташқари, парламент ўзининг таъсири, ваколатлари нуқтаи назаридан ҳокимият шаҳобчалари орасида муҳим аҳамият касб этади. Турли ижтимоий манфаатлар ва қарашларнинг айнан парламентда жамланганлиги жамият аъзолари, ҳокимият шаҳобчалари, «марказ» ва «худуд» ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятларнинг олдини олиш имконини беради

Биринчи. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда парламентаризмнинг фуқаролик жамияти институт сифатида шаклланиши, унинг халқ томонидан эътироф этилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тамойилларнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий - сиёсий фаолликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари тухтовсиз ошиб бормокда.

Иккинчи. Ўзбекистонда миллий парламентаризм, сиёсий партиялар ва сайловларнинг ҳуқуқий асосларининг демократик кадриятлар ва миллий анъаналар уйғунлиги заминида ривожланиши натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатлар шаклланди.

Сайловларда адолат тамойилларининг амал қилиши ва уларнинг ҳаққчилик асосида ўтказишга доир ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлиги фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги муҳим вазифалар сифатида баҳоланиши лозим.

Учинчи. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий парламентаризмнинг шаклланиши жараёни, бир томондан, ривожланган мамлакатлар тажрибасига, умуминсоний тамойил ва меъёрларга мос келган бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда минг йиллар давомида яшаб келаётган адолат ва ҳаққчилик каби миллий қадриятларни ҳам ўзида мужассам этди.

Туртинчи. Мамлакатимизда ўтказилган миллий парламентаризмни шакллантиришга доир ислохотлар, сиёсий партиялар ва демократик сайловлар фуқаролик жамиятининг институти сифатида жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалай бошлади. Жамият аъзолари иродасининг миллий парламентаризм, сиёсий партиялар ва демократик сайловлар воситасида давлат сиёсатида тарзида ифодаланиш натижасида фуқаролик жамиятига хос бўлган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши учун кенг шарт - шароитлар яратилди.

Бешинчи. Фуқароларнинг сайловларда иштироки натижаларини қиёсий таҳлил қилиш натижаларининг кўрсатишича, сайловчилар узларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуқлигини, ўз ҳаёти ва келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Олтинчи. Мустақиллик йилларида ўтказилган миллий парламентаризмни шакллантиришга доир ислохотлар, сиёсий партиялар фаолияти демократик сайловларнинг яқуний натижалари кўрсатадики, мазкур жараёнлар мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракат ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тухтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди

Еттинчи. Миллий парламентаризмни шакллантиришга доир ислохотлар, сиёсий партиялар ва ўтган сайловлар, сайлов кампанияларидаги ўзаро баҳс - мунозаралар, шунингдек, овоз бериш натижалари шуни кўрсатдики, сайловчилар кўпроқ сайловолди дастурлари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишга қаратилган, демократик ислохотлар тарафдори бўлган номзодлар учун хайрихоҳ бўлдилар. 2004 йилдан, яъни икки палатали парламент фаолият бошлагандан буён ҳар сафар ўтказилаётган сайловлар олдинги парламентнинг кўплаб депутатлари фақат қонунчилик палатаси депутати этиб сайланмоқдалар. Бу сайланган депутатларнинг ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далолат бериши билан бирга, профессионал парламент фаолиятида уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Бу эса парламент профессионаллашувининг ёрқин исботидир.

G L O S S A R I Y

«**Adolat**» **sotsial-demokratik partiyasi** – 1995 yil fevral oyida taʼsis majlisida tuzilgan Oʻzbekistondagi siyosiy partiyalardan biri. **Adolat** - kishilar oʻrtasidagi oʻzaro munosabatlarning maʼlum tartibi haqidagi, har kimni hukumatga yarasha taqdirlash haqidagi tasavvurlarni oʻz ichiga oluvchi tamoyil. Adolat tenglik tushunchasi bilan uzviy bogʻliq. Huquqiy demokratik davlatlarda adolat barchaning qonun oldida tengligi va qonunning barchaga teng tegishliligidir. 1919 yilda vujudga kelgan Natsialniy sotsialistik partiyasi nomidan olingan.

«**Axborot jamiyati**» **konsepsiyasi** – industrial va postindustrial jamiyat nazariyalarining davomi. Unga koʻra ijtimoiy tizimlarni oʻzgartirishning yangi omili sifatida informatika, kompyuterlar va elektronika chiqadi va ular negizida yangi sinflar va millatlardan yuqori ijtimoiy guruhlar (uyushmalar) vujudga keladi, ijtimoiy rivojlanish mexanizmlari oʻzgaradi. Nazariyotchilari O.Tofler, J.Neysbit, E.Masuda va boshqalar. «Axborot jamiyati»da insonning barcha muammolari axborotdan global foydalanish hisobiga hal qilinadi.

Siyosiy blok – ingl. davlatlar, siyosiy partiyalar, boshqa tashkilotlar birgalikda harakat qilish va qoʻyilgan maqsadlarga erishish tuzgan ittifoqi, bitimi; blok, ittifoq.

Bundesrat – nem. GFRda erlar palatasi. Germaniya Erlari hukumatlarining uchdan beshtagacha vakillaridan iborat.

Bundestag – nem. GFR parlamenti. 1949 yilda tashkil etilgan. Aralash saylov tizimida 4 yillik muddatga saylanadi.

Byurokratizm – (fr. devonxona hukmronligi) toʻrachilik, rasmiyatchilik; ishni choʻzish, rasmiy talablarni bajarish bahonasida ishning mohiyatiga eʼtiborsizlik. Byurokratizm davlat boshqaruvi sohasida yorqin namoyon boʻladi. Hayotda u qogʻozbozlik, san-salorlik, qoʻli ostidagilarga hurmatsizlikda koʻrinadi. Byurokратиyani yoʻq qilishning sharti – boshqaruvga aloqador shaxslarning imtiyozli ijtimoiy mavqeiga barham berish, oʻz-oʻzini boshqaruvni rivojlantirish, hokimiyatni quyidan turib nazorat etish mexanizmlarini amaliyligiga erishish.

Parlament debatlari - deputatlar o'rtasida qonunchilik masalalari bo'yicha yoki hukumat faoliyati bo'yicha fikrlar almashinuvining rasmiy o'rnatilgan tartibi. Davlat hukumat faoliyatini matbuotda, namoyish va yig'inlarda jamoatchilik tomonidan muhokama qilingan holda ham qo'llanadi.

Diplomatiya - tashqi munosabatlar yoki xorijiy ishlar to'g'risidagi fan. Tor ma'noda - muzokara yuritish san'ati yoki bilimi. Diplomatiya - davlat tashqi siyosati maqsad va vazifalarini amalga oshirish, uning huquq va manfaatlari, shuningdek, chet eldagi muassasa va fuqarolarini himoya qilish bo'yicha davlatlar, hukumatlar, tashqi ishlar vazirlari, chet eldagi diplomatik vakolatxonalar, xalqaro anjumanlardagi delegatsiyalarni rasmiy faoliyati.

Diskreditatsiya - fr. kimgadir bo'lgan ishonchni emirish, kimningdir obro'si, avtoritetini tushirish.

Etakchi siyosiy - xalq yoki biron ijtimoiy guruh manfaatlarini to'la ifodalovchi va himoya qiluvchi, siyosiy arbobga zarur sifat, yig'indisiga ega shaxs.

Ikki partiyaviy tizim - partiyaviy tizim ko'rinishi. U hokimiyat uchun kurash ikki yirik partiya o'rtasida kechishi va ularning hukmron hamda muxolif partiya sifatida o'rin almashinib turishi bilan ajralib turadi. Ikki partiyaviy tizim yana boshqa partiyalar mavjudligini istisno qilmaydi, lekin kichik partiyalarning davlat boshqaruvida ishtiroki uchun imkon qoldirmaydi. Fransuz politologi J.L.Shabo turkumlashuviga ko'ra mukammal ikki partiyaviy tizim va nomukammal (ikki yarim) partiyaviy tizimlar ajratiladi.

Impichment - (ing. aybnoma) davlat miqyosidagi jinoyatlari uchun mansabdor shaxslarni sudga tortishning alohida tartibi. Ayrim mamlakatlarda (AKSH, Yaponiya) mansabdor shaxslarni Konstitutsiyaga rioya qilmaslik v.b. jinoyatlar uchun parlament tomonidan javobgarlikka tortish qoidalari qonun bilan tasdiqlangan. Bu holda sudga tortish parlamentning quyi palatasi, hukm chiqarish esa - yuqori palata tomonidan amalga oshiriladi.

Ingliz-amerika siyosiy fan maktabi - zamonaviy chet el politologiyasi asosiy maktablaridan biri. Uning asosiy yoʻnalishlari: siyosiy zamonaviylashuv, barqarorlik, siyosiy ixtiloflar, tashqi siyosat muammolari. Asosiy vakillari S.Lipset, K.Rayt, S.Xantington, G.Morgentau, J.Sartori, R.Darendorf.

Klerikkal partiyalar - lot. XIX asrda shakllangan va ijtimoiy hayotning barcha sohalarida din va cherkov taʼsirini kuchaytirishga intiluvchi siyosiy partiyalar.

Libertarizm - davlatning ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarga aralashmasligi, bu bozor munosabatlari sohasi ekanligi toʻgʻrisidagi gʻoyani targʻib qiluvchi konsepsiya. "CHikago maktabi" vakillari (O.Fridman, G.Bekker, A.Laffer, P.K.Robertlar) tomonidan faol qoʻllanadi.

Negativ huquqlar (erkinliklar) - davlat va boshqa odamlarning shaxsga nisbatan biror harakatni cheklaydi. Ular tub, asosiy, deb hisoblanadi. Ularning amalga oshishi davlat resurslariga bogʻliq emas.

Neytralitet - (lot. unga ham, bunga ham tegishli boʻlmagan) davlatning xalqaro huquqiy holati. Doimiy va urush vaqtidagi neytralitet ajratiladi. Davlat bilan tinch-totuv yashash va uning mojarolariga aralashmaslik siyosatini anglatadi.

Parlament - (fr. soʻzlamok) oliy vakillik va qonun chiqaruvchi organ nomi.

Parlamentarizm - davlat organlari tizimida parlament etakchi mavqeni egallaydigan boshqaruv tizimi. Unda qonun chiqaruvchi va ijro vazifalari aniq belgilangan boʻladi, parlament boshqa davlat hokimiyati organlaridan rasman ustun hisoblanadi.

Parlamentar respublik - respublika koʻrinishlaridan biri. Unda parlament siyosiy jihatdan oʻziga hisob beradigan hukumatni tuzadi; davlat rahbari boʻlgan, lekin ijro etuvchi hokimiyat huquqiga ega boʻlmagan prezidentni saylaydi va h.k.

Parlamentyor - urushayotgan tomonlardan birining ikkinchisi bilan muzokaralar olib borish uchun vakil qilingan shaxs.

Parlament dahlsizligi - parlament deputatlarining dahlsizligi. Unga koʻra deputatning harakatlari uchun qamoqqa olish, sudga tortish man etiladi.

Parlament huquqi - parlament aʼzolari amal qiladigan meʼyorlar.

Parlament tekshiruvi - davlat hokimiyati organlari, shu jumladan, hukumat va uning ayrim aʼzolari faoliyati ustidan parlamentning nazorat vakolatini amalga oshirish.

Parlament tipidagi partiya - vakolatli organlar, shu jumladan, parlamentga saylovlarda ishtirok etish bilan oʻzining bosh maqsadi - hokimiyatga erishishni amalga oshiruvchi partiyalar. U hokimiyat organlaridagi faoliyatini oʻz vakillari orqali olib boradi va konstitutsion meʼyorlarga amal qiladi, boshqa partiyalar bilan qonun doirasida raqobatlashadi.

Partiya (lot. qism) ijtimoiy tabaqa, sinf, qatlam vakillari tomonidan oʻz manfaatlarini siyosiy vositalar yordamida himoya qilish uchun tuziladigan siyosiy tashkilot.

Partiyaviy tizim - mamlakatda mavjud partiyalar miqdori va belgilari asosida aniqlanuvchi tushuncha. Bir partiyaviy tizim (yagona va hukmron partiya boshqa partiyalar mavjudligiga yoʻl qoʻymaydi yoki ularni qattiq nazorat etadi); ikki partiyaviy tizim (mukammal ikki partiyaviy tizim - umummilliy saylovlarda etakchi ikki partiya raqobatlashuvi va birining gʻolib chiqishi, boshqa partiyalarga imkon qoldirmasligi bilan xarakterlanadi; ikki yarim partiyaviy tizim - «uchinchi» partiya saylovchilarning 25% gacha ovozini olishga yoʻl qoʻyadi); koʻp partiyaviy tizim (mukammal koʻppartiyaviy tizim - bir partiyaning uzoq muddatli saylovlarda gʻolib chiqib yakka tartibda yoki koalitsiyada hukumat tuzishi, muholif partiyalar mavjudligi; koalitsion koʻp partiyaviy tizim - muholif partiyalarning hech biri yakka tartibda saylovda gʻolib chiqishining imkoniyati boʻlmaganligi sababli kichik partiyalarning koalitsiyalarga birlashishi).

Partogenez - partiyalarning shakllanishi jarayoni.

Partokratiya - partiya hukmronligi bilan tavsiflanuvchi hokimiyat shakli.

Файдаланилган адабиётлар

1. Белоусов М. Конституционное право зарубежных стран. <http://www.razlib.ru/>
2. Бромхед П. Эволюция Британской конституции. М., ЮЛ, 1978, с. 199.
3. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
4. История политических и правовых учений. Учебник / Под ред. доктора юридических наук, профессора О. Э. Лейста. – М.: Издательство «Зерцало», 2000. – 302 с.
5. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиздир. Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
6. Одилқориев Ҳ, И. Тульетов. Икки палатали парламент. Т.: “Тошкент”, 2005.
7. Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: илмий-амалий қўлланма // М.Абдусаломов ва бошқалар; Масъул муҳаррир проф. Ш.Х.Файзиев.
8. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. Р.М. Алимовнинг умумий таҳрири остида. “Шарқ”. 2002.
9. Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. -М., ИЛ, 1950, с. 70.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. 2008 №12.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.
12. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. “Шарқ” 2005.
13. Щербин А. Зарождение и развитие парламентаризма. https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma